RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI

2007 йил 8 август, чоршанба.

# Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган | 32 (415)-сон | Сотувда эркин нархда.

# БАРЧАГА ҚУВОНЧ БАҒИШЛАЙДИ




"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгашида Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз — истиқлолнинг ўн олти йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаётганлигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишни "Камолот" ЁИҲ Марказий кенгаши раиси Акром Алимов очди.

— Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, халқимиз, қолаверса, ёшлар ўртасида қутлуғ анъанага айланди, — деди у. — Бу байрам доимо уюшқоқлик билан ўтказилиб келинмоқда. Бу гал ҳам ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг қалбига Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини сингдириш, ўғил-қизларимизни ҳуррият йилларида мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар билан яқиндан таништириш мақсадида айём тантаналарини ягона тизимда ўтказишни режалаштирдик. Ушбу тадбирни "Вояга етдик" деб аталган лойиҳа асосида ташкил қиламиз. Шунинг учун Марказий кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилди. Ўйлайманки, 7 миллиондан ортиқ ёшларни ўз сафларига бирлаштирган "Камолот"чилар бу борада ўз ҳаракатлари билан тенгдошларига намуна бўла оладилар.

Шундан сўнг "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар кенгаши мутахассиси Мурод Зуфаров тадбирлар янгича тус олган лойиҳалар доирасида шаҳар транспорти, йирик хиёбон, одамлар гавжум боғлар ҳамда маҳаллаларда ўтказилади, — деди. — Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг хонадонларига ташриф буюриб, уларга байрам кайфиятини тақдим этиш, элимизнинг азалий одатларидан ҳисобланмиш ободончилик ишларини амалга ошириш, шунингдек, талабалик бахтига муяссар бўлганлар ҳамда мактабга илк маротаба қадам қўяётган болажонларга ҳам кўтаринки руҳ бағишлаш кўзда тутилган. Лойиҳа тадбирлари 1 августдан бошлаб 5 сентябргача давом эттирилади.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

Мунносабат

**Мустақиллик — энг азиз, энг улуғ байрам**

## *Андижон:*
# ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Улар Куйганёр шаҳарчасига етиб келишгач, Қорадарё устига қурилган кўприк ёнида бир муддат тин олишди. Хатип ака нимнадир эслади чоғи, кулимсиради.

— Унинг қурилиши собиқ иттифоқ бўйича роса овоза бўлиб кетган эди, — деди Хатип ака. — Айниқса, очилиш маросими шундай шов-шув бўлдики, бу ҳақда ёзмаган матбуот нашри қолмади. У вақтлар шундай бўларди. Оддий бир воқелик ҳам бўрттириб кўрсатиларди. Мустақилликка эришганимиздан кейин эса, йирик иншоотлар қурилиши ҳам оддий ҳолга айланиб қолди.

Оқёрдаги коллеж биноси қурилмасидан олдин унинг ўрнида ўт-ўланлар ўсиб ётарди. Шундай кўркам, ҳашаматли иншоотнинг жуда қисқа фурсатларда тикланишини ҳеч ким хаёлигаям келтирмаган. Ўз Ватанини ҳар нарсадан азиз билган, томир отиб, палак ёзган гўшаси билан ғурурланиб, қувонадиган одам борки, бундан албатта, хурсанд бўлди. Ахир, бу ўғил-қизларининг бахтига замин яратади-да. Эртанги кунга ишонч, умид билан қараган инсон улуғвор ишларга қодир бўлади. Халқимизнинг кучиям, қудратиям шунда.

Ота-бола икки қирғоғи ям-яшил арчаларга, турфа гулларга бурканган йўлдан унча кўп юрмаган ҳам эдиларки, маҳобатли ўйингоҳ ва унга туташ яна бир гўзал кошона кўз ўнгиларида гавдаланди.

— Илгари бу ерлар тутзор эди. Маҳалланинг молқўйи боқиларди, — эслади Хатип ака. — Шаҳарга кираверишдаги жойнинг бу аҳволда ётиши кўнгилни хира қиларди. Кайфиятга ҳам таъсир этарди.

Мустақиллик эпкинлари бу ерларга ҳам етиб келди. Бор-йўғи ўн бир ойда Марказий Осиёда ягона спорт мажмуаси барпо этилди. Унинг ёнидаги спорт коллежида эса бўлғуси чемпионлар камол топмоқда.

— Бу каби кошоналарнинг меъмори аслида Юртбошимизнинг ўзлари, — дейди кўзларида миннатдорлик билан Хатип ака Носиров. — Мамлакатимиз раҳбари ҳар иккала даргоҳ-даям бўлганлар. Биноларнинг меъморий ечими билан қизиққанлар. Ҳатто ўқув хоналарида бўлиб, ўғил-қизларимизнинг кийинишидан тортиб ўриндиқларнинг қулай-ноқулайлигигача эътибор қаратганлар. Маслаҳат берганлар. Биз ўша кунларни ҳали-ҳануз ҳаяжон билан эслаймиз. Зиммамизда мамлакат раҳбари билдирган юксак ишонч масъулияти ётганини ҳар қадамда ҳис этамиз. Шогирдларимизни шу азиз Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялай оляпмизми, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолмасликлари учун сезгирлик қила биляпмизми? Шунча ғамхўрликларга қандай жавоб қайтаряпмиз, деган саволлар олдимизда кўндаланг турибди.

Қўшариқ даҳасида яна иккита муҳташам кошона кўкрак кериб турибди. Бири маиший хизмат касб-ҳунар коллежи, иккинчиси рангин ойналарида қуёшнинг заррин ёғдулари ораланаётган банк коллежи. Улар ён-атрофдаги атиги бир йилнинг ўзида қуриб битказилган ўнлаб иншоотлардан кескин фарқ қилади. Бу масканларда эл-юрт корига ярашни, оталари ишини қўлларидан олишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган минглаб ёшлар таҳсил кўрадилар.

— Ҳамюртларимизнинг, узоқ-яқиндан келадиган меҳмонларнинг қадами узилмайдиган жойнинг илгари қай аҳволда эканини биласизларми? — дея ҳазрат Навоий номи билан аталувчи маданият ва истироҳат боғи томон юзланди Хатип ака. — Гуллар ифорига тўлган гулзор ўрнида илгари пастқам, кўримсиз бинолар бўлгучи эди. Боғнинг ичига кириб бўлмас эди. Афсонавий "Семурғ"нинг улкан рамзий шакли қаровсизликдан мунғайиб ётарди. Сойгузардаги боғ, Пушкин номи билан аталувчи болалар боғи ҳам бир аҳволда эди.

Бу ерга келувчиларнинг баҳри-дилини очадиган, маънавий озиқ берадиган, турли маданий тадбирлар ўтказиладиган масканлар янгиланиш, ёшаришни талаб этарди. Шундай бўлди ҳам. Мовий гумбазли арк барпо этилди. Арк дарвозаси билан сарҳовуз оралиғини кўкка отилаётган сувлари камалакнинг етти хил рангида жилоланувчи фаввора эгаллади. Янгиланган "Семурғ"нинг ёнидан амфитеатр жой олди. Боғ ва унинг атрофлари, хиёбонлар уруғи Европа, Осиё давлатларидан олиб келиниб кўпайтирилган гуллар билан бурканди.

Боғларида баҳор оралаган, лайлаклар кўзи қиймай бағрида қишлаган жаннатдан бир чимдим, жон Андижон! Икки ярим миллионга яқин аҳолига эга бўлган вилоят аҳлини, меҳмоннавоз халқни бирлаштириб Андижон шаҳрининг истиқлол йилларида бир чиройига ўн чирой қўшилди. Бир қарич бўш ётган ер борки, кўм-кўк арчалар, яшил либос билан безанди. Ва яна кенг кўламдаги қурилиш майдонига айланди. 13 та туман, 3 та шаҳарда қад ростлаётган иншоотлар, янги йўллар бунёдкор халқнинг азму шижоатидан нишона. Пахтаободдаги Маданият, Хўжаободдаги Дўстлик қишлоқлари ҳамда Қўрғонтепадаги Қорасув шаҳарчасида янги

(Давоми 2-бетда).

# ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

**ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши томонидан "Мустақиллик йилларида ёшлар" мавзуида учрашув уюштирилди.**

* * *

Партиянинг Косонсой туман кенгаши ташаббуси билан "Ҳомийлик — кўнгил саховати" мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

* * *

**ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши "Камолот" ЁИҲ туман бўлими билан ҳамкорликда "Буюк қўллар нақши" мавзуида кўргазма ташкил этди.**

* * *

Партиянинг Шеробод туман кенгаши томонидан "Мустақиллик ва маънавият" мавзуида учрашув уюштирилди.

* * *

**ЎзМТДП Жомбой туман кенгаши ташаббуси билан "Оналар ибрати" мавзуида маърифий тадбир ўтказилди.**

* * *

Партиянинг шаҳар кенгаши томонидан "Мен Ватанга нима бердим?" мавзуида учрашув ташкил этилди.

* * *

**ЎзМТДП Ромитан туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда "Диний ақидапарастлик ва маърифий ислом" мавзуида давра суҳбати уюштирди.**

* * *

Партиянинг Жарқўрғон туман кенгаши ташаббуси билан "Маҳаллам тарихини ўрганаман" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

* * *

**ЎзМТДП Янгийўл туман кенгаши туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда "Миллий тикланиш ва келажак касб оламининг эгалари" мавзуида тадбир ташкил этди.**

**ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.**

**Муносабат**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлисига сиёсий партиялар фракциялари вакиллари одатдагидан кўра ўзгача ҳаяжонда кириб келдилар. Бунинг сабаби кун тартибига қўйилган асосий масала: фракциялар раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари лавозимига сайланиши эди.***

## *Миллий парламентаризм:*
# ИСЛОҲОТНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ

Профессионал асосдаги фаолиятини 2005 йили бошлаган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўзининг биринчи мажлисида нисбатан кўп депутатлик ўрнига эга бўлган ЎзЛиДеП ва ЎзХДП фракцияларидан икки вакилни Спикер ўринбосари этиб сайлаган эди. Орадан ўтган икки ярим йил мобайнида республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар юз берди. Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ўтказилаётган ислоҳотлар ўз самарасини кўрсатди. Хусусан, жамиятни демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятининг туб асосларини бунёд этишга пухта замин яратилди. Шу жумладан, жамиятда ҳақиқий маънода кўппартиявийлик тизими вужудга келди, мавжуд бешта сиёсий партия фуқароларнинг сиёсий фаоллигини муттасил ошира бориш орқали уларнинг мамлакат тақдирига дахлдор масалалардаги иштирокини янада юқори поғоналарга кўтарди.

Муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси асосида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг қабул қилиниши мамлакатимиздаги сиёсий партиялар фаолиятини мутлақо янги босқичга кўтаришга замин яратди. Конституциявий Қонун 2008 йилнинг 1 январидан кучга кириши кўзда тутилган эди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан мазкур қонуннинг 3-моддасида баён этилган норма асосида сиёсий партиялар фракциялари раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари вазифаларига сайланди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган бешта сиёсий партия фракция раҳбарларининг Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари сифатида ўз вазифаларини жорий йилнинг июль ойидан адо этишга киришганликлари Қонунчилик палатасининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлмиш фракциялар фаолиятини янги кўламларда ташкил этиш, қонун ижодкорлиги жараёнида фикрлар хилма-хиллиги муҳитини такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг ташаббускорлик ролини янада юксалтириш имконини беради.

Республикамизда миллий парламентаризм институтини шакллантириш борасида муҳим ва залворли одим бўлган ушбу янгиликнинг мазмун-моҳиятини партиядошларимиз орасида кенг тушунтириш, тарғиб-ташвиқ этиш ишларини йўлга қўйиш шу бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади, албатта.

Шуни биринчи навбатда таъкидлаш жоизки, сиёсий партия фракцияси раҳбарининг Спикер ўринбосари лавозимига сайланиши партиянинг ҳам Қонунчилик палатасида, ҳам бутун мамлакат миқёсида нуфузини оширади, партия фракциясининг давлат бошқарувига таъсирини кучайтиради, Парламентда сиёсий партия фракциялари ўртасида соғлом рақобатни таъминлайди, уларга тенг ҳуқуқ ва шарт-шароит яратади. Сиёсий ислоҳотнинг бу босқичи давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда, мамлакатни модернизация қилиш жараёнида сиёсий партияларга бўлган юксак ишонч орта бораётганидан далолат беради.

Юқорида зикр этилганидек, ҳозирга қадар Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялардан нисбатан кўп овозга эга бўлган икки фракциянинг икки вакили Спикер ўринбосари сифатида фаолият юритаётган эдилар. Янги қоидага кўра, Спикер ўринбосарлигига номзод кўрсатишда партиялардан нечта депутат мавжудлиги (улар сонининг кўп ё озлиги) роль ўйнамайди, яъни бу борада бешта партия фракциясига тенг имкониятлар яратилди. Яна бир муҳим жиҳат — шу пайтгача амал қилиб келган қоидага кўра, Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари ўз фаолиятида Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши, фракциялар ва депутатлик гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас, шунингдек, у сиёсий партиядаги аъзолигини тўхтатиб туриши белгилаб қўйилган эди. Бундай талаблар партияга ишонч билдирган, партиянинг сайловолди дастурини қўллаб-қувватлаган сайловчилар томонидан сайланган депутатнинг имкониятларини чегаралаб қўярди. Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш жараёни сиёсий партиялар ва уларнинг Парламентдаги фракциялари олдига улкан вазифалар юклаётган бир пайтда бу нормаларнинг амал қилиши мақсадга мувофиқ эмаслиги яққол кўзга ташланиб қолди.

Эндиликда Спикер ўринбосари сиёсий партия фракция аъзоси сифатида ўз партияси мақсад ва манфаатларини ҳимоя қилади, партиянинг дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирокчига айланади. Шунингдек, муайян қўмита аъзоси сифатида қонунларнинг пухта ва мукаммал қабул қилинишида, амалдаги қонунлар ижросини назорат қилишда партия электорати хоҳиш-иродасини ифода этади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фракция, одатда, Қонунчилик палатаси доирасида фаолият юритади, бинобарин, фракция раҳбари мавқеининг ортиши авваламбор фракциянинг парламентдаги ролини оширади. Айни чоғда, Спикер ўринбосарининг ваколати Қонунчилик палатаси доираси билан чегараланиб қолмайди, албатта. Балки республика миқёсида партия фаолиятини янада кўламлироқ ташкил этиш, партиянинг маҳаллий ташкилотларини янада жонлантириш, партия гуруҳлари ишини йўлга қўйиш, пировардида сайловчилар истакларини адо этишдек шарафли ва масъулиятли вазифалар ҳам мазкур ваколат эгасининг бурчига айланади.

Ана шундай ишларда Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси барча бўғинлардаги маслакдошлар ва сафдошларни дастурий мақсадлар сари йўналтирувчи ўзига хос марказга айланади.

**Абдуғафур МАМАТОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси.**

*(«Халқ сўзи» газетасининг 7 август сонидан олинди).*

**Партия ҳаёти**

# БУГУННИНГ ТАЛАБИ — УЮШҚОҚЛИК

***ЎзМТДП Паркент туман кенгаши истиқлолнинг 16 йиллиги муносабати билан «Гулла, яшна, мустақил Ўзбекистон!» номли тадбир ўтказди.***

Йиғилишни туман кенгаши раиси Маъсуда Икромова очиб, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулчеҳра Исмоиловага сўз берди. Нотиқ мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида гапириб, бу борада аёлларнинг фаоллиги сезилаётганлигини таъкидлади.

Шундан сўнг партия фаоли Матлуба Қурбонова ўзи етакчилик қилаётган Заркент қишлоғидаги бошланғич партия ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида гапирди.

Тадбирда маҳалла фаоллари ҳам иштирок этишди. Сўзга чиққанлар фарзандлар тарбияси, камоли ҳам маҳалланинг фахри эканлиги тўғрисида гапириб, бу муҳим масалада ҳамма вақт ҳамкорлик зарурлигини айтиб ўтишди.

***Партиянинг Тошкент вилоят кенгашида фаоллар йиғилиши ўтказилди. Унда мустақиллигимизнинг 16 йиллиги олдидан қилинадиган ишлар муҳокама қилинди.***
***Йиғилишда вилоят кенгаши фаоллари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари ва «Аёллар қаноти» раҳбарлари иштирок этишди.***

Тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова юртимизда бугунги кунда сиёсий партияларга алоҳида эътибор берилаётганлиги ҳақида гапириб, бу борада сафдошларимиз томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида тўхталиб ўтди. Нотиқ партиядошларни янада ташаббускор бўлишга чақириб, уюшган ҳолда иш олиб бориш партиямиз нуфузини оширишини таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар партиянинг жамоат ташкилотлари, ҳокимлик ва маҳалла фуқаролари билан муносабатларини янада яхшилашга оид фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Насиба ОЧИЛОВА,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши етакчи мутахассиси.**

**Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.**

Парламент соати

# СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

***Энг азиз, энг улуғ айём мустақиллик байрамимизнинг ўн олти йиллиги арафасида "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ва "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди.***

***Конституциямизнинг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб таъриф берилган. Ана шу қомусий ҳужжатимизга асосан мустақиллик йилларида қонунларда белгиланган ўлим жазосини тайинлаш тўғрисидаги моддалар босқичма-босқич 33 тадан 2 тага туширилган эди. Эндиликда қабул қилинган қонунга биноан 2008 йил 1 январдан у моддалардаги ўлим жазолари ҳам бекор бўлади.***

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурида жаҳонни ўрганмай, дунёни танимай, миллий қадриятларга суянмай туриб киши ўзлигини англамайди, дея таъкидланади. Дарҳақиқат, ушбу ислоҳотлар миллий қонунчилигимиздан келиб чиқади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида белгиланган "Инсонпарварлик принципи"даги ҳуқуқий нормаларга тўла мос келади. Унинг биринчи бандида шундай дейилган: жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, аксинча, жиноятга жазо белгиланиши жиноят содир этган шахснинг ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиши учун зарурлиги таъкидлаб ўтилган.

Яшаш ҳуқуқи устувор қадрият эканлиги Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида ҳам ёзилган.

### Яшаш ҳуқуқи – умуминсоний қадрият

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар жаҳондаги илғор фикрли инсониятнинг орзу-умидларига ҳам ҳамоҳанг ва дунёдаги халқаро ташкилотларнинг меъёрларига тўла мос келади. Масалан, 2005 йил 21 апрелда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси томонидан ўлим жазосини бекор қилиш юзасидан резолюция қабул қилинган.

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан ратификация қилинган "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"нинг иккинчи факультатив протоколи 1989 йил 15 декабрда қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатнинг 1-моддасида ҳам протоколнинг иштирокчиси бўлган давлатлар ҳимояси остидаги бирон бир шахс ўлим жазосига ҳукм этилмайди, деб белгилаб қўйилган.

### Ўлим жазоси: жаҳон тажрибаси

Жаҳон тажрибасига эътибор берсак, ўлим жазоси қадим-қадимдан барча давлатларда жазолаш тури сифатида қўлланиб келинган. Оммавий қонуний қирғинлар, айниқса, йигирманчи аср бошларида авж олган. Собиқ советлар мамлакатида 30 ва 50-йилларда репрессия кучайган. Ўша йиллари халқимизнинг асл фарзандлари — Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту каби кўплаб зиёли кишиларимиз суд ҳукмисиз ўлимга маҳкум этилган.

Шу даврда Франция, Англия, Германияда ҳам худди шу ҳолат рўй берган. Германияда фашизмнинг давлат тепасига келиши билан қувғину қирғинлар бошланган эди. Францияда Жазоир мамлакатини қарам қилиниши муносабати билан, Англияда эса Ҳиндистон ва бошқа мустамлака мамлакатларнинг вужудга келганлиги билан боғлиқ икки ғоя, яъни икки кучлар курашаётган пайт эди. Ана шундай оммавий қирғинлар авж олган бир пайтда ўз ҳаётини гаровга қўйиб француз файласуфи, публицисти ва ёзувчиси Альбер Камю ўлим жазосини бекор қилиш зарурат эканлиги тўғрисида туркум мақолалар чоп эта бошлади. Айни шу пайтда англиялик машҳур публицист Артур Кестлер ҳам ушбу масалани муаммо сифатида кўтариб чиқди. У 1955 йил кузида "Размышление о виселице " асарини чоп этди. Ўша йили «Ўлим жазосини бекор қилиш миллий компания»сини ҳам ташкил этди. Иккала публицист бирлашиб, француз ва инглиз тилида «Ўлим жазоси ҳақида мулоҳазалар» номли китобни чоп этган. 1957 йилда ҳали ўлим жазоси барча давлатларнинг қонунларида мавжуд эди. Бироқ, публицистларнинг орзуси эзгулик бўлиб, Европа бўйлаб кезиб юрарди. Ўлим жазосини бекор қилиниши саъй-ҳаракатларига бутун умрини бағишлаган француз публицисти Альбер Камюнинг шогирди журналист Жан Блок Мишель устозининг вафотидан кейин "Ўлим жазосига мулоҳазалар" китобини чоп эттирганда, унинг сўзбошисида устози орзу қилган ўлим жазосини бекор қилиш биринчи марта Европада, аниқроғи Испанияда амалга ошганлигини фахр билан таъкидлайди. Ушбу масала Испанияда 1978 йил 6 декабрда бўлган умумхалқ референдумида ҳал этилди. Икки йил ўтмай Франция президентлигига ўз номзодини қўйган Франсуа Миттеран ҳам ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги эзгуликни ўз дастурига киритди.

Америкада ўлим жазосига маҳкумлар бошқа давлатларга нисбатан кўплиги, 18 ёшга тўлмаган болаларга ҳам тайинланиши ва жазони ижро этиш даҳшатли тарзда амалга оширилиши китобда батафсил акс эттирилган. Интернет хабарларига кўра, АҚШда 1990 йилда 19 нафар 18 ёшга тўлмаганларга ўлим жазоси тайинланган. Бугунгача 70 нафар вояга етмаган ўсмир жазо ижросини кутиб ётибди.

2003 йили жаҳондаги 63 та мамлакатда 2756 та маҳкумга ўлим жазоси берилган. Фақат 28 та давлатдагина 1146 маҳкумга жазо ижро этилган. Ушбу далиллар ҳам ўлим жазосини бошқа турдагисига, яъни умрбодлик ёки узоқ муддатлик жазога алмаштирилиши зарурлигини ифодалайди.

### Тарих силсиласида

Жан Блок Мишель «Ўлим жазосига мулоҳазалар» китобининг сўзбошисида таъкидлашича, ўлим жазосига маҳкум этилишининг салбий томонларидан бири, бу фақат шу жиноятчини жисмонан йўқ қилиш эмас, балки унинг яқинларини маънавий ва руҳий синдиришдир, дейди.

Дарҳақиқат, Чингиз Айтматовнинг 70-йилларда "Роман-газета"да чоп этилган "Плаха" ("Кунда") асарини бир эслайлик. Қатағон қилинган кишининг оиласи жуда қаттиқ қийинчиликларга дуч келади. Афсуски, собиқ советлар давридаги қатағон йилларида болаларини тавқи лаънатдан асраб қолиш учун баъзи ўзбек аёллари ҳам ушбу китобда тасвирланганидек эрга чиқиб, фамилиясини ўзгартиришга мажбур бўлишган. Бу ҳолат жамиятдан нафратланиш туйғусини туғдирмайдими? Аёл кишининг болаларини, ўз ҳаётини асраб қолиш учун бўлган бундай мажбурий танлови, ўзига нисбатан зулми эмасми? Ушбу мисоллар ҳам ўлим жазосининг қўлланилиши бир шахсга эмас, жамоага нисбатан чиқарилган ҳукмга айланиб қолиши мумкинлигини исботлайди.

Халқимизнинг қадимий илдизларига, ҳуқуқий аъмолларига эътибор берсак, "Хунга хун", "Қонга қон, жонга жон" деган иборалар мавжуд бўлган. Кимнинг тилидан бу сўз чиқса, мен ўлим жазосига маҳкум этилганнинг гуноҳини сўраб оламан, дегани бўлар экан. Унда маҳкумнинг бўйи баробар тилла танга тўланиб ёки тўловнинг бошқа бир тури амалга оширилиб, бир уруғ иккинчи уруғдан қабиладошини қайтариб олган. Ёхуд элдошлари хон хазинасига ушбу пулни тўлаб, маҳкумни ўлим жазосидан асраб қолишган. Бу одат ҳам қадим-қадимдан элимизда энг оғир дамларда ҳам инсонпарварлик ва бағрикенгликка имконият берилганлигидан далолат беради.

Табиатдаги барча мавжудотга туғилиш, жуфтлашиш ва ўлим хос хусисиятдир. Мавжудотлар ичида фақат инсонгагина онг, шуур, ақл, фаросат инъом этилган ва гўзал аъмолларни бажариб яшашга имкон берилган. Инсонийлик, эзгулик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўлим жазосининг умрбодлик қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилиши инсоннинг тавба қилишига, ҳаётга умид, ишонч билан қараб тўғри йўлни танлаб олишига имконият берилишидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ўлим жазосининг бекор этилиши мамлакатимизда қонунчиликни ривожлантиришда ўзига хос янги бир босқич, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишда яна бир дадил қадам бўлди. Қонунда белгилаб берилган ҳуқуқий нормалар — суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар юртимиздаги тадрижий тараққиёт ифодаси, яъни эл иродасидир.

**Раъно ЗАРИПОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзоси.**

Истиқлол фидойилари



***Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек миллати бошига шараф тожини кийди. Осмонимизда эрк қуёши порламоқда. Йўлларимизда ҳурлик чечаклари барқ ураётир. Қўлимизни қаёққа узатсак етади. Шу озод кунларни деб фидойилик кўрсатган, элу юртни ўйлаб ёниб яшаган мард ва ориятли кишиларимизнинг номлари ҳамиша азизу ардоқлидир. Истиқлол курашчилари сафида бўлган санъатимиз дарғалари ҳаёти давомида санъат равнақи учун хизмат қилишиб, ўз овози, сози билан Ўзбекистонни дунёга танитдилар.***

***Шунингдек, саодатли кунларга етиб келишимизда турли соҳаларнинг заҳматкашлари ҳам борки, уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари жамият ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.***

***"Мустақиллик фидойилари" рукни остида газета саҳифаларида эл суйиб ардоқлаган инсонларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган мақолалар бериб боришни режалаштирдик.***

# ТУШЛАРИГА КИРАР МАРҒИЛОН...

### Қўшиқ қандай яратилади?

Нима учун айрим куй-қўшиқларни мароқ билан эшитамизу аммо хотирамизда узоқ сақлаб қололмаймиз? Баъзи қўшиқлар эса бир маротаба айтилганидаёқ кишини оҳанрабодек ўзига тортади. Кейин уни эшитгинг келаверади. Эшитган сайин янада кўпроқ соғинасан. Нега шундай? Бизнингча, янграётган қўшиқнинг руҳий оламимизга чуқур сингиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Дунё олимларининг аниқлашича, мумтоз куй-қўшиқлар оҳанги инсоннинг томир уриши ритмига мос келаркан. Демак, қадимий наволарнинг оромбахшлиги бежизга эмас.

Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова билан бўлган суҳбатдан сўнг шу нарса аён бўлдики, боқий қўшиқлар яратиш учун санъаткор ижоддан тўхтамаслиги, умрининг ҳар лаҳзасини шу ижод йўлида сарфламоғи керак экан...

### Оппоқ, ойдин кўчалар

Бертахоним болалик чоғларини эсласа Марғилоннинг сертупроқ кўчалари, кенг ва мўл-кўл боғлари тасаввурида жонланади. Отаси Довудбой номи билан машҳур бўлиб, камбағалпарвар, содда киши эди. Санъатни жуда қадрларди. Катта ўғил Мардухай Давидов дўсти Мухтор Ашрафий билан бирга Москва консерваториясига ўқишга кетаётганларида ўзи оқ йўл тилаб кузатган. Акаси у ёқдан опера артисти бўлиб қайтганида Берта жуда ёш эди. Мактабдан келаётиб ҳовлилари яқинига ўрнатилган радиокарнайдан янграётган қўшиқларни берилиб эшитарди. Ҳалима Носированинг "Оппоқ ойдин кўчалар" қўшиғини у ўшандаёқ ёктириб қолган. Қиз қўшиқнинг сатрларини ёдлаб олиб, хонанда билан баравариga хиргойи қиларди. Балки қўшиқчи бўлиш орзуси ўша кезлардаёқ унинг қалбида куртак ёзгандир...

Кўп ўтмай "қулоқ қилиш" бошланиб, бу хонадоннинг ер-сувлари тортиб олинди. Онаизор бешала фарзандини етаклаб Тошкент томон отланди. Шаҳардан бошпана топиб, жойлашишгач, қиз медтехникумда ўқиди. Ҳамшира бўлиб ишлаётганда уруш бошланди.

— Сўнг мени госпиталга ишга чақиришди, у ерда ярадор аскарларни даволардик, — дейди Бертахоним. — Госпиталда концерт бериш учун катта санъаткорларни бошлаб келган Юнус Ражабий гоҳгоҳида хиргойи қилиб юришимни шу ердагилардан эшитиб қолибди. Кейин битта қўшиқни айттириб кўрди. "Сени радио қошидаги ансамблга олиб кетаман", — деди. Шундан сўнг қўшиқчилик фаолияти бошланди.

У кезларда Бертахоним ўн етти ёшда эди. Микрофон йўқ, хонандаларнинг қўшиқлари радиокарнай орқали ташқарига эшитилиб турарди. Бир куни ансамбль раҳбари Иномжон Икромов қизга "Сенинг овозинг мақомга тушади, бугун "Муножот"ни айтасан" деди. Бертахоним қўшиқ сўзларини ўқиб, унинг замиридаги маъно-мазмундан жуда ҳаяжонланди. Ҳаяжони эҳтиросга айланиб, юрагини эритди, кейин овозига кўчди:

*Кеча келгумдир дебон ул*
*сарви гулрў келмади,*
*Кўзларимга кеча тонг*
*отқунча уйқу келмади...*

Қўшиқни куйлаб бўлгач, Иномжон Икромов ташқарига имо қилди. Қиз деразa оша ҳовлига боқди. Дарахтга ўрнатилган карнай ёнида эллик-олтмиш чоғли одам йиғилганди. Улар қўшиққа маҳлиё, худди сеҳрланиб қолгандай эдилар!

### Ўн саккиз ёш қўшиғи

— Сиз куйлаган "Ўн саккиз ёшундадур" ҳали-ҳануз кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ, — дейман мен санъаткор билан суҳбат давомида.

— Бу қўшиқни илк бор айтганимда ўзим ҳам ўн саккиз ёшда эдим, — дейди у. — Ўшанда Маннон Уйғур ҳозирги миллий театримизда "Алишер Навоий" драмасини саҳнага қўйганди. Драма ўртароғида мен шу қўшиқни куйлашим керак эди. Биринчи куни шунчалар ҳаяжонландимки, асти қўяверасиз. Кейин эса қўшиққа ўзимнинг ҳам меҳрим тушди.

*Ўн саккиз минг олам*
*ошуби агар бошиндадур,*
*Не ажаб, чун сарвинозим*
*ўн саккиз ёшиндадур...*

— Ўшандан сўнг бу қўшиқни жуда кўп давраларда куйлагансиз, шундайми?

— Биз Коммунахоним, Мукаррамхоним, Галия Измайловалар билан катта давраларда, кўпинча юртимизнинг чекка қишлоқларига бориб меҳнаткашлар ҳузурида концертлар қўйрдик. Қишлоқ халқи "Ўн саккиз ёшиндадур" ва "Муножот"ни айтишимни қайта-қайта сўрашарди.

### "Самарқанд ушшоғи"

— Қўшиқнинг кўнгилларга қай тарзда кириб бориши унинг қай ҳолатда яратилганига боғлиқ, — дейди Бертахоним олис йилларни хотирлаб. — Бир куни бешик ёнида гўдагимни ухлатаётиб секин куйлай бошладим. Куйлаяпману, санъат йўлига катта умидлар билан кириб келганим, кейинги чеккан изтиробларим, турмуш ўртоғимнинг санъаткор бўлишимга қарши чиққанлари, қўшиқ айтмасликни талаб қилганлари, ҳамма-ҳаммаси бирма-бир кўз ўнгимдан ўтаверди.

"Барибир қўшиқчи бўламан, яқинларим мени қачондир тушунишар" деган ўй хаёлимнинг бир чеккасида турарди. Шу мақсадга етиш учун тинмай ҳаракат қилардим, машаққатларга дош берардим, гап-сўзлар, турли ғийбатларни эшитмаганга олардим. Хуллас, ўша куни бешик ёнида куйлаган қўшиғим юрагимдаги ғам-аламларга жуда ўхшаб кетишини сезиб қолдим. Худди менинг хаёлларим каби бу қўшиқнинг ниҳоясида ҳам эртанги кунга ишонч ва умид бор эди!

Катта йиғинда ўша қўшиқни мен худди бешик ёнида хиргойи қилганимдек куйладим. У — "Самарқанд ушшоғи" эди. Ижродан сўнг зал гувиллаб кетди. Шунда англадимки, яхши қўшиқнинг туғилиши учун уни аввало ўз юрак чизиқларингдан ўтказмоғинг лозим экан...

### "Бундай юртни қаердан топаман?"

Санъаткор кўп вақтлар илгариги воқеани менга гапириб беради. Пойтахтда ўтказилган йирик анжуманда Бертахоним "Насри Баёт"ни куйлайди. Ўтирганлар яна қўшиқ талаб қилишгач, "Адашганман"ни айтади. У ерда ҳукумат раҳбарлари билан бирга чет элдан келганлар ҳам бор эди. Ўшалардан биттаси эртасига Берта Давидованинг уйига уч-тўртта одамларини жўнатди.

— Улар мени хорижга кетишга кўндирмоқчи бўлишганди, — дейди Бертахоним. — Агар чет элда қўшиқчи бўлсам роса бойиб кетармишман. Эртакларда шоҳлар "бўйинг баробар тилло бераман" дейди-ю... Улар ҳам худди шунақа ваъдалар қилишди. Кетишаётиб: "Таклифимизни яхшилаб ўйлаб кўринг", — дейишди. Улар эшикдан чиққач, мен деразa ёнига бордим, атрофни кузатдим. Куз пайти, қуёш чарақлаб турибди. Ҳовлидаги олма дарахтида қип-қизил мевалар офтоб шуъласида товланади. Боғ ичидан болалар қийқириғи эшитилади. Ўриндиқда бир-нечта аёл бир-бирларига кула-кула алланималарни сўзлаётир. Ўйладим, мен шундай гўзал юртни, шундай ёруғ чеҳраларни, беғубор қалби бор саҳий халқимизни ташлаб, бошқа юртга кета олармидим? Ўзга элда зар-зебарга кўмилиб яшагандан кўра ўз юртимнинг бир бурда ширин нонини хотиржам ўтириб емоқликка не етсин! Йўқ, мен шу юртга хизмат қиламан!

Икки-уч кундан сўнг яна келишди, мен уларга рад жавобини бердим.

### Ўзликка қайтарур қадимий наво

— Биласизми. Кейинги пайтларда битта фикр бот-бот кўнглимдан кечади, — дейди Бертахоним суҳбатни давом эттириб. — Қанийди, аввалги куч-қувватим бўлсайди, янада жўшиб-жўшиб куйлардим. Ҳозирги хонанда ёшлар қўшиқ альбомларини чиқаришяпти, чет эл саҳналарида қўшиқ айтишяпти. Илгариги даврларда хорижга бориш қаёқда эди! Истиқлолдан айланай, шунчалик кўп имконлар берди ёшларимизга. Бундай гўзал кунларнинг қадрига етмоқ керак.

Очиғини айтсам, санъаткорлик тақдиримдан розиман. Ярим асрга яқин Ўзбекистон радиоси қошидаги мақом ансамблида ишладим. Кейин эса Санъат институти талабаларига қўшиқчиликдан сабоқ бердим. Доимо иш билан, ижод билан банд эдим. Ҳаракатларим самарасидан мамнунман, мақом йўлидаги қўшиқларим магнит тасмаларига ёзилди. Эндиликда ўғлим, келиним, набираларим меҳри мени яйратса, юзлаб шогирдларим ишончи руҳимга тетиклик бахш этади. Хуллас, шу санъаткорлик тақдири мени элга яқин қилди, ҳаётимга қувонч олиб кирди.

Берта Давидова истиқлол йилларида "Эл-юрт ҳурмати учун" ордени билан мукофотланди. "Мен умрим давомида дашту чўлларни кездим, деҳқону чорвадорнинг, чўпону пахтакорнинг кўнгилларига қўшиқ билан кириб бордим, — дейди Бертахоним суҳбатимиз якунида. — Агар қўшиқларим кимнингдир дилини шуъладек ёритиб, қалбининг ич-ичларида она юрт туйғусини алангалатган бўлса ўзимни бахтли санайман. Доимо халқим хизматида бўлганимдан фахрланаман".

Қадимий куй-қўшиқлар инсонни ўзини англашга ўргатади, ўзлигини қайтаради. Бундай куй ва қўшиқларни моҳирлик билан ижро этган Бертахоним эса Марғилоннинг суюкли қизи. "Тушларимда ҳали-ҳали Марғилонни кўриб чиқаман", — дейди санъаткоримиз. Икки минг йиллик таваллуд тўйи арафасида агар Марғилоннинг тарихи битилса, бу китобнинг олтин саҳифаларида Берта Давидованинг номи ҳам қайд этилиши аниқ. Соҳир овоз соҳибаси куйлаб келган қадимий қўшиқлар эса халқимизнинг хотирасидан асло ўчмайди, балки бизга ўзлигимизни англатиб, тобора баландроқ жаранглайверади.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

Эътироф

# ҒАЛЛАКОР МЕҲНАТИНИНГ САМАРАСИ

*Юртимизда айни истиқлол йилларида ғаллачилик ривож топди. Президентимизнинг алоҳида ғамхўрлиги боис соҳага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу боис мамлакатимизда ғалла мустақиллиги таъминланди.*

Ғалла мустақиллиги барчамизга том маънодаги фаровонлик олиб келганини бугун — Истиқлолнинг 16 йиллик санасида яна бир бор эътироф этмоқ ўринли деб ҳисоблаймиз.

Жорий йилда Навоий вилоятида ҳам тармоқда улкан ютуқларга эришилди. Давлатга дон сотиш 102 фоиз бажарилди. Бу ишларга 17 миллиард 622 миллион сўм маблағ сарфланиб, 22 миллиард 625 миллион сўм даромад олинди. Самарадорлик ўтган йилга нисбатан 1,3 фоизга ошди.

Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор, Конимех, Кармана, Нурота туманлари ғаллакорларининг сидқидилдан қилган меҳнати боис ғаллачилик мавсумий ишга айланиб қолмасдан, даромадли соҳага айланди. Тармоқдаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида марказ ташкил этилиб, амалга оширилаётган ишлар мунтазам равишда мониторинг қилиб борилди. Иш ҳақи, минерал ўғит, ёқилғи-мойлаш материаллари харажатлари таҳлил қилиниб, муаммоларга барҳам бериш борасида чора-тадбирлар белгиланиб борилади. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳусниддин Ҳақназаров бошоқли дон етиштириш самарадорлиги хусусида кўплаб далил ва рақамлар келтирди. Соҳани мунтазам такомиллаштириш учун харажат, даромад, рентабеллик, таннарх каби муҳим меъёрларга аҳамият берилиб, пухта режа асосида иш олиб борилмоқда.

Вилоятда ғаллакор деҳқонлар билан бир сафда фаолият юритаётган донни қайта ишлаш корхоналари тўғрисида ҳам кўпгина яхши фикрлар айтиш мумкин. Бугунги кунда 70 киши меҳнат қилаётган "Қизилтепадон" ҳиссадорлик жамияти ҳам янгиланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш борасида фаолият юритилаётир.

— Бир кеча-кундузда 60 тонна донни қайта ишловчи, хорижда тайёрланган янги тегирмон ўрнатаяпмиз, — дейди корхона раҳбари Бахтиёр Бердиев. — Бунинг учун "Ғаллабанк"дан 400 миллион сўм кредит олдик. Натижада яна 15 иш ўрни очилади, ушбу ускунани Энг улуғ ва муқаддас байрамимиз — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига ишга тушириш ниятидамиз.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**"Миллий тикланиш" мухбири.**

# Андижон: ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

маҳаллалар, Кўқон қишлоқ, Пойтуғ, Марҳаматнинг атиғи бир йилнинг ўзида қуриб битказилган бозорлари, боғ ва хиёбонлари ҳавас ва ифтихор туйғуларини уйғотади.

Бўз, Улуғнор, Булоқбоши, Балиқчи туманлари, Қорасув шаҳарчасида қуриб битказилган спорт мажмуалари, Асака билан Қўрғонтепадаги ҳашар йўли билан барпо этилган ўйингоҳлар, избосканлик ака-ука Мамажоновлар ҳиммати билан бўй кўрсатган ажойиб спорт кошонаси, вилоятдаги мавжуд бешта олийгоҳ, касб-ҳунар коллежларидаги кенг, ёруғ спорт заллари, очиқ майдонлар, жойлардаги теннис кортлари минг-минглаб ёшларни ўз бағрига олди. Андижон шаҳридаги спорт коллежининг муҳташам биноси, у ерда яратилган шароитлар бўлғуси чемпионларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этди.

Тўрт йил илгари Андижонда бўлиб ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақаларини эслайлик. Ёшлик, гўзаллик, нафосат ва маҳорат кўригида андижонлик ёшлар умумжамоа ҳисобида биринчиликни эгаллаган ва Ўзбекистон Президенти совғаси билан тақдирланган эдилар. Илгариги йили Тошкентда бўлиб ўтган ана шундай беллашувда ҳам андижонликларга тенг келадигани топилмади. Улар бу гал ҳам олтин медаль соҳиби бўлдилар.

— Аслида пойдеворимиз мустаҳкам, ишончли, — ғурурланади Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими раҳбари Икромжон Валиев. — Кейинги йилларда 18 та спорт иншооти қурилиб ёшлар ихтиёрига топширилди. Уларни барпо этишга бир ярим миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Улар 330 миллион сўмликдан ортиқ жиҳоз билан таъминланди.

Ёшларимиз Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги кенг нишонланадиган жорий йилда яна 18 та спорт иншоотига эга бўладилар. Чунончи, бешта бешинчи типдаги болалар спорти мажмуаси, сузиш ҳавзаси таъмирдан чиқади. 16 та мактаб учун қўшимча спорт зали қурилаётир. Андижон шаҳри, Асака ва Шаҳрихон туманларида очилган бадиий гимнастика тўгараклари сафи кенгайди. Бир сўз билан айтганда, олти ёшдан ўн етти ёшгача бўлган 27 мингдан ортиқ ўғил-қиз спортнинг ўттиздан ортиқ тури билан шуғулланмоқда. Улар орасидан жаҳонни лол қолдириб, Ватан байроғини баланд кўтарган, қалбларимизда фахр-ифтихор туйғуларини уйғотган Муҳаммадқодирлар, Русланлар етишиб чиқади, албатта.

Бобур Мирзо, Нодирабегим, Чўлпон, Муҳаммад Юсуфларга бешик бўлган Андижонда бугун мамлакат аҳолисининг ўн фоизи яшаб, меҳнат қилмоқда. Академик Саримсоқов, Комил Яшин сингари алломаларни камолга етказган диёрда уларнинг издошлари, ворислари илм-фанда янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар яратиш учун тинмай изланмоқдалар.

Аббос Бакиров, Фаттоҳхон Мамадалиев, Муножот Йўлчиеваларга соз берган, овоз берган қутлуғ диёр одамлари Энг азиз, энг қутлуғ байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг муборак тўйига пешвоз чиқмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**журналист.**

Тадбир

# «БУ БАЙРАМ БАРЧАМИЗНИКИ, БУТУН ХАЛҚИМИЗНИКИ»

***Пойтахтимиздаги А. Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Маҳалла куни"га бағишлаб, "Бу байрам барчамизники, бутун халқимизники" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.***

Маълумки, "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги "Маънавият ва маърифат" маркази ҳамда "Камолот" ЁИҲ билан ҳамкорликда "Ёзни Камолот билан" лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Унга кўра, шаҳарчадаги 9 та маҳаллада болажонларнинг ёзги таътилларини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун "Маҳаллада оромгоҳ" номли кўнгилочар тадбирлар бўлиб ўтди. "Университет", "Беруний", "Мирзо Ғолиб", "Беруний майдони", "Зиё", "Хислат", "Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд", "Шифокор", "Чиғатой-Оқтепа" маҳаллаларида истиқомат қилувчи болалар ушбу тадбирларда иштирок этдилар.

Болажонларни юртга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаб, уларда соғлом ва мустақил фикрни ривожлантириш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди. Болалар тиббиёт ҳамда компьютер сабоқлари, тикиш-бичиш, сартарошлик, рус ва инглиз тили, сиёсий ва ҳуқуқий онгни ошириш курсларида таҳсил олдилар. Меҳрибонлик уйларига ташриф буюриб, тенгдошларини қувноқ рақс ва ашулалари, қизиқарли ўйинлари билан хушнуд этдилар.

Хайрли ишларни давом эттирган ҳолда каттаю кичик мазкур боғга тўпланди. Болажонлар учун ўша куни бепул аттракционлар ишлади. Турли номинациялар бўйича беллашган маҳалла фаолларининг ғолиблари аниқланиб, уларга совғаларни С. Раҳимов тумани ҳокими Бахтиёр Ҳакимов ва "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурот Чориевлар топширишди. Кичкинтойлар эса музқаймоқ билан сийланди. Зикр Муҳаммаджонов, Мурод Ражабов, Рустам Саъдиев каби эл ардоғидаги санъаткорлар йиғилганларни хушнуд этишди. Болажонлар эса ўз дастурлари билан иштирок этиб, ота-оналарнинг қувончига қувонч қўшдилар.

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**

## Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

***Эргаш Отахонов номидаги Наманган тиббиёт коллежининг ёшлар ўртасида нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. 1938 йилда ташкил топган мазкур ўқув даргоҳидан ҳозиргача катта ҳаётга йўлланма олган битирувчилар орасида тиббиёт соҳасининг таниқли мутахассислари, фан номзоди, фан доктори ва профессорлари талайгина. Коллежда фаолият кўрсатаётган 110 нафар ўқитувчиларнинг аксарияти фан номзодлари, олий, биринчи ва иккинчи тоифали мутахассислар бўлиб, улар ўз тажрибаларини ҳамкасблари ва шогирдларига ўргатиб келишмоқда.***



# ЭЛ СОҒЛИГИГА МАСЪУЛМИЗ

### — дейди Наманган тиббиёт коллежи директори Соҳибахон КАРИМОВА

Билим даргоҳида ўқув-тарбиявий ишлар «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида замон талабларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилган 85 та гуруҳга бўлинган талабалар билим савияси, кўникма ва малакаси рейтинг тизими асосида баҳолаб борилади. Услубият вакиллари томонидан намунавий билетлар тузилиб, кафедра ўқитувчилари ҳам имтиҳон синовларидан ўтадилар. Бу ишлар, табиийки, ўқитувчилар ўртасида тартиб-интизомни мустаҳкамлаб, ўзлаштириш бўйича талабалар кўрсаткичи юқорилигини таъминлаётир. Ёшларнинг ўзлаштириш якуни муҳокамадан ўтказилиб, аълочи, жамоатчи, фаол ўқувчилар моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Ота-оналар билан ҳам коллеж маъмурияти ҳамкорликни яхши йўлга қўйганки, бу талабаларнинг рейтинг натижалари яхшиланиб бораётганидан яққол кўзга ташланади.

Абу Наср Фаробий: «Ҳар бир киши касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор фазилатларига эга бўлмоғи керак», — деб бежиз айтмаган. Олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин, деган яна донолар. Айниқса, фаолияти инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган тиббиёт ходимлари учун бу талаблар жуда муҳим ва масъулиятлидир. Киши саломатлиги учун жавобгар шахс ҳалол, ширинсўз, меҳрибон, камтарин бўлмоғи шарт. Коллеж устоз-мураббийларининг маънавий-маърифий соатларда, одобнома дарсларида такрорлашдан



чарчамайдиган бу каби ўгитлари талабаларнинг ҳам ҳаётда, ҳам ишда фаол бўлишларида катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда ўқув маскани маъмуриятининг Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан амалга ошираётган хайрли ишларини айтиб ўтиш жоиз. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан ҳамкорликда жойлардаги хонадонларга коллеж битирувчилари оила ҳамшираси сифатида бириктирилди. Бу талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашларига ҳам ёрдам бермоқда. Шу билан бирга, кам таъминланган ўқувчиларга моддий ёрдам берилиб, ўқув даргоҳи ҳисобидан бепул овқатланиш ташкил қилинган.

Жорий йилдан бўлимлараро энг фаол ўқувчи танлови ва унинг ғолиблари учун махсус стипендия ташкил этилди. Бундан ташқари, 80 нафарга яқин ўқиш ва жамоат тадбирларида пешқадам талабалар ҳам муносиб тақдирланди. «Касбим — фахрим», «Коллежим мулки — менинг мулким», «Мустақиллик — менинг тақдиримда», «Истиқлол тенгдошиман», «Биз сув ичган дарёлар» каби мавзуларда ўтказилган иншолар танлови ҳамда унда ғолиб чиққан ёшларнинг ижодий ишлари илм маскани ўқувчилари орасида истеъдодлилари оз эмаслигини кўрсатди. Ўқувчилар орасидан етишиб чиққан тўрт нафар каратэ бўйича чемпион билан ҳам талабалар, ҳам устозлар ҳақли равишда фахрланадилар. Булар коллеждаги тўгараклар фаолиятининг кўнгилдагидек йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Жамоанинг муваффақиятида, айтиш лозимки, раҳбарнинг ўзига хос ўрни бор. Ғайратли, ишбилармон, билимдон етакчи бошчилик қилаётган ўқув юртининг ютуқларга эришиш имконияти катталигига мазкур коллеж фаолияти мисол бўла олади. Шу ўринда Соҳибахон Каримова ҳақида икки оғиз сўз. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаб, Наманган шаҳридаги 1-туғруқхонада амалиёт ўтаган тиришқоқ қиз қисқа муддатда бу ердаги устозлар назарига тушди. Бир йилдан сўнг ҳозир ўзи бошқараётган даргоҳ ёшлар ташкилоти етакчилигига сайланди. Соҳиба Каримова ўрта тиббиёт ходимлари тайёрлашдек шарафли вазифани баҳоликудрат уддалаб, услубчи, тарбиячи, директорнинг амалий, ички назорат, ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифаларида ишлади.

— 2005 йили Норин туманидаги янги қурилиб фойдаланишга топширилган Ҳаққулобод тиббиёт коллежидаги ташкилий юмушлар охирига етгунча вақтинча ўша ерда фаолият кўрсатдим. Бугун яна ўз қадрдон даргоҳимдаман, — дейди Соҳиба опа. — Менинг бутун ҳаётим шу маскан билан боғлиқ. Асли бахтимни ҳам шу ердан топганман десам, янглишмайман. Жамоамизнинг аҳиллиги, талабаларимиз эришаётган ютуқлар кучимга куч қўшади. 2005-2010 йилларга мўлжалланган амалиётлар бўйича даволаш-профилактика муассасалари билан тузилган шартнома талабаларимиз касбий маҳоратини оширишда қўл келмоқда. Намунали безатилган умумтаълим, умумтиббиёт ва касбий фан хоналарида ўтаётган машғулотлар шогирдларимизнинг юқори малакали мутахассис бўлиб камол топишларида хизмат қилмоқда. Ёшларга қунт билан сабоқ бериб келаётган устоз-мураббийларнинг ижодкорлигини таъминлаш, рағбатлантиришга ҳаракат қилаяпмиз. Коллежимиз вакилларидан С. Ҳакимова, И. Юсупов, Н. Тожибоев, Б. Ҳамидов, Т. Иномовлар республика ва вилоят миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда қатнашиб, қувончли натажаларга эришдилар. Япониянинг «Жайка» компанияси ташкил қилган семинар-тренингларда З. Оппоқова, Х. Қирғизова, Х. Раҳмонова каби беш нафар ҳамширалик фани ўқитувчилари иштирок этди.

Коллеж фаолияти билан танишар эканмиз, кейинги икки йилда яратилган 20 га яқин ўқув-услубий қўлланманинг яратилишида номлари санаб ўтилган ўқитувчиларнинг ҳиссалари катта эканлигига гувоҳ бўлдик.

Касбий таълим ҳар бир ўқув даргоҳининг кўзгуси ҳисобланади. Анъанага мувофиқ коллеж жамоаси 2007-2008 ўқув йилини муносиб қаршилаш учун тайёргарлик кўрмоқда. Фан ва лаборатория хоналари, ўқув ва бошқа маданий-маиший бинолар таъмирдан чиқарилди. Хоналарни жиҳозлаш бўйича танлов эълон қилинди, ғолибларга маъмурият ва бирлашган касаба уюшма қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлими томонидан мукофот топширилади.

Наманган тиббиёт коллежи фаолияти ҳақидаги ҳикоямиз якунида Соҳиба опанинг қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик:

— Ҳар тонг ишга отланар эканман, йўл-йўлакай теварак-атрофдаги бир-биридан кўркам биноларни кўриб, қувонаман. Юртимизниг барча ерларида бўлганидек, коллежимизда ҳам истиқлол байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. «Истиқлол тенгдошлари» мавзуида мустақиллик билан тенгдош ўқувчилар шоу дастурини ўтказдик. Байрам арафасида бир қатор тадбирлар, йиғинлар, учрашувлар ўтказишни кўзда тутганмиз. Бундан мақсад эса жамоамиз устоз-мураббийларига, талабаларимизга байрамона руҳ, кўтаринки кайфият бахш этишдир. Халқимиз олдида бизнинг, шогирдларимизнинг қарзи кўп. Чунки юртдошларимиз соғлиги — юртимиз бойлиги. Бу биз соҳа ходимларига катта масъулият юклайди.

**Абдунаби АБДУҒАНИ ўғли.** Ⓡ

# КОЛЛЕЖЛАР — ЕТУК МУТАХАССИСЛАР МАСКАНИ

***Самарқанд вилоятидаги ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфида 90 дан ортиқ коллеж ва лицейлар фаолият кўрсатиб келаётир. Уларда 70 мингдан ортиқ талаба билим олади. Қарийб олти мингга яқин ўқитувчи-мураббийлар ёш авлодга таълим-тарбия бериб келмоқда. Уларнинг ўнга яқини фан доктори, 180 нафари фан номзодидир.***

***Кейинги йилларда таълим соҳасида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилаётир. Янги бинолар қурилаётгани, уларнинг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани бунинг ёрқин исботидир. Малакали ўқитувчилар, яъни ўзининг методик услубига эга бўлган, жамоат ишларида фаол, ташкилотчи устозларнинг ўқув-тарбия жараёнларидаги изланишлари билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятдаги ёнма-ён жойлашган иккита коллежда бўлдик.***

Сиёб тиббиёт коллежида ёш ўқитувчилар мактаби ташкил этилган экан. Бу ерда педагогик малакага эга бўлмаган мутахассислар, яъни врачлар 2 йил давомида тажрибали ўқитувчилар, услубчилар ва устоз мураббийлардан журнал юритиш, ёшларга таълим-тарбия бериш сирларини ўрганишади. Коллежда малака ошириш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу борада Самарқанд тиббиёт институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент фармацевтика институти ва Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти билан ҳамкорликда иш юритилади. Шифохона, туғруқхона, дорихона ҳамда лабораторияларда амалий дарслар ўтилади.

Отабек Мустафоевнинг "Сарвиноз" номли ўқув амалий тренажёрларида элликдан ортиқ муолажаларни тажрибада қўллаш имконияти мавжуд. Олий тоифали ўқитувчи Замира Сирожева тайёрлаган услубий қўлланмалар коллежлар орасида оммалаштириш учун тавсия этилган. Улар асосида ўқитувчилар ўз ишларини қай даражада яхши билишлари, машғулотларни амалда бажаришлари ҳам синовдан ўтказилади. Ҳозирда ўқув даргоҳида талабалар ҳамширалик иши, акушерлик, фармация, лаборатория-диагностика, медицина профилактикаси йўналишлари бўйича таҳсил олишаётир.

Самарқанд банк коллежида бўлганимизда "Йил ўқитувчиси-2002" кўрик-танлови ғолиби, касб-ҳунар таълими аълочиси Бахтиёр Абдурасуловнинг иш услуби, ўзига хос тажрибалари билан танишдик. Унинг 14 та изоҳли ўқув қўлланмаси ва 2 та ўқув-услубий қўлланмалари, шунингдек, ҳуқуқшунослик фани бўйича ёзилган мақолалари ҳамкасблари томонидан ўрганилаётганлиги эътиборимизни тортди.

— Бугуннинг ўқитувчисига қўйиладиган талаб анча юқори, — дейди у. — Ҳозирги ёшлар ҳамма нарсага қизиқади. Устози уларнинг ҳар бир саволига жавоб топиб бера олиши керак. Дарслар зерикарли бўлмаслиги учун ўқитувчи ҳар бир мавзу юзасидан қизиқарли мисоллар тўплаши, шу асосда машғулотни яхши ташкил қилиши керак. Замонавий техникалардан фойдаланиб дарсни ўйин асосида ташкил қилиш ҳам мумкин. Назарий билимни амалий машғулотлар билан бойитиб бориш зарур. Ўқувчиларни нофаол тингловчидан актив иштирокчига айланишини таъминлаш устознинг қўлида, унинг уддабуронлигида.

Коллежда ташкил қилинган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ҳам самарали иш олиб бормоқда. Ҳафтанинг пайшанба кунлари сардорлар йиғилиши ўтказилади, шу куни улар ўз режаларини белгилаб олишади. Гуруҳларда бўлган ўзгаришлар, талабаларнинг ўқиш ва яшаш шароитлари, муаммо ва камчиликлар таҳлил қилиб борилади. Таклифлар асосида тегишли чора-тадбирлар кўрилади. Коллеж талабалар уйига эга бўлмагани учун 40 фоизга яқин талабалар ижара уйларида яшашга мажбур бўлишаётир. «Камолот»чилар бу муаммони ҳал қилишга киришишган. Бир сўз билан айтганда, ташкилот фаоллари ёшлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришаётир.

Ўқув масканида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар ҳам режа асосида олиб борилади. Маънавият соатлари очиқ мулоқот тарзида ўтади. Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил қилиш мақсадида улар 28 та фан ва спорт, бадиий ҳаваскорлик ва рақс тўгаракларига жалб қилинган. Ёш авлоднинг ҳуқуқий билимини ошириш борасида шаҳар ва вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари иштирокида учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил қилинаётир. "Сиз қонунни биласизми?", "Конституцияни ўрганамиз" номли кўрик-танловлар ана шулар жумласидандир.

"Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" кўрик-танлови ғолиби Холмурод Сориев ҳам ўзига хос тажрибага эга. Инглиз тили ўқитувчиси Ғанижон Турсунов эса АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган танловда фахрли биринчи ўрин соҳиби бўлган. Уларнинг бошқа касбдошлари ҳам дарс ўтишда янгича иш услуби яратиш устида изланишмоқда.

Ҳар иккала таълим муассасаси жамоаси ҳам битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиб, янги ўқув йилига қабул ишларини олиб боришмоқда. Коллежларда яратилган шарт-шароитлар, ўз касбини дилдан севган устоз-мураббийларнинг кўплиги, уларнинг ёш авлодга сидқидилдан таълим-тарбия бериб келаётганларини кўриб, ёш кадрларнинг ишончли қўлларда таҳсил олаётганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

**Муртазо ТУРСУНОВ,**
**Олим ЖУМАНИЁЗОВ.**



***Ёши катталар яхши эслайди: яқин ўтмишда бир хил андозадаги мактабу билим юртлари одамни ўзига унчалик тортмас, шунга монанд ўқув базалари ҳам ночор аҳволда эди. Мустақиллик шарофати билан қатор соҳалар каби таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳам ўзининг бекиёс самарасини берди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим тўғрисида"ги қонунга асосан нафақат мамлакатимиз пойтахти, балки юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам одамнинг ҳайратини оширадиган мактаблар, лицейлар, коллежлар барпо этилди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бетакрорлиги билан ажралиб туради. Етарли моддий техника ва ўқув базасига эга.***

# ОБОД ЮРТИМИЗНИНГ НУРЛИ КОШОНАЛАРИ

### бунёдкор халқимизнинг улкан салоҳиятини ўзида намойиш этмоқда

Усти ёпиқ спорт заллари эса бир вақтнинг ўзидаёқ бир неча турлар бўйича ёшларнинг жисмонан чиниқишларига имкон беради. Хуллас, ўқиш, касб-ҳунар эгаллаш, келажакда ўз соҳасининг етук мутахассисига айланиш учун ўғил-қизларга бекиёс ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Уларнинг камоли учун Юртбошимиз барча шароитларни яратиб беряпти. Шунга монанд йигит-қизлар ҳам ўзларининг ўқиш ва интилишлари билан ватанимизга бўлган чексиз меҳру муҳаббатларини намойиш этишмоқда. Энг муҳими, яратилган қулайликларга ҳамоҳанг янги иншоотларни барпо этиш, мавжудларини тамоман янги, замонавий андозада таъмирлаш ва капитал реконструкциядан чиқариш ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Ана шундай масъулиятли, долзарб вазифани амалга оширишга даъват этилган Тошкент вилоят ҳокимлиги капитал қурилиш бўйича ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси катта бунёдкорлик ишларини амалга оширяпти. Компания қурувчилари томонидан вилоятда янги барпо этилиб, таъмирдан чиқарилаётган 12 та касб-ҳунар коллежи Энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг 16 йиллиги арафасида ишга туширилади. Бунинг учун



бунёдкорлар барча чораларни кўришмоқда. Жумладан, Қибрай агротижорат коллежи қурувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан тамоман янги қиёфага эга бўлди. 540 ўринли ўқув биноси ўзида барча қулайликларни мужассамлаштирди. Умумий қиймати 1,3 миллиард сўмни ташкил этган бу нурли кошона бахтиёр ўғил-қизларнинг севимли масканига айланади. Бекобод туманида барпо этилаётган янги иншоот ҳам фарзандлар камоли учун хизмат қилади. Бу коллежда маҳаллий ёшлар таълим олишиб, ҳунар ўрганишади. Бундан ташқари, компания вилоятда яна 8 та мактабни барпо этмоқда. 61 та мактабни эса замонавий талаблар асосида таъмирдан чиқаряпти. Уларнинг орасидаги Оҳангарон туманидаги 13, Чиноз туманидаги 15-умумтаълим мактабларини ҳозир таниёлмай қоласиз. Янги андозадаги ўзига хос бу бинолар ҳайратингизни оширади. Капитал таъмирдан чиқарилаётган 67 та мактаб ҳам шундай, сизни бефарқ қолдирмайди.

— Мустақиллик иншоотларини барпо этаётган жамоамизнинг Энг улуғ, энг азиз байрамимизга совғаси бўлади бу, — дейди компания директори Аваз Рашидов. — Бундан ташқари, биз фойдаланишга топшираётган 6 та зал ва 2 та спорт майдончаси болалар спортини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Муҳаббат АҲМАДАЛИЕВА.**
**Азамат АҲМАД олган суратлар.**

Янги спектакль

# САҲНАДА ҲАЁТИЙ АСАР

Театрга таклиф қилишганда боришга қарор қилдиму аммо ўша куни ишхонадаги юмушларим кўпайиб кетди. Хуллас, вақт топиб бир дугонам билан бордик. Ўзбек Миллий академик драма театрига етиб келганимизда спектаклнинг эндигина бошланганини айтишди. Очиғи, аввалига воқеа тафсилотларини тушунмадим. Кейин эса... Саҳнада икки киши — эркак ва аёл, яъни эр ва хотин, уларнинг тортишувлари. Пул топиш дардида артистлик касбини, саҳнани тарк этган оила бошлиғи ва унга ҳаётини бағишлаган рафиқа. Актриса бўла туриб, йиллар давомида биронта ролга раво кўрилмаган уй бекаси ҳаёти акс этарди. Умр бўйи аёлини севган ва буни исбот қилишга уриниб яшаган эркакнинг кечинмалари, турмуш ўртоғининг "севаман" деган сўзини неча йилдан бери интиқ кутаётган рафиқанинг изтироблари томошабинни ўйлашга, мулоҳаза юритишга ундарди.

Бош ролларни ижро этаётган Жамшид ва Гавҳар Зокировларни ҳаётда доимо ёнма-ён кўришга одатланиб қолган томошабин бу ижодкорларнинг саҳнадаги ижросини эмас, балки ҳаётини кузатиб тургандек эди. Уларнинг асардаги бир-бирига муносабатлари, имо-ишоралари, кўз қарашларини сўзсиз тушуниш мумкин эди. Чунки санъаткорлар саҳнада туриб артист ҳаётини ижро этишаётгандек гўё. Роллар шунчалик табиий талқин этилаётгандики, томошабин ҳам йиғларди, ҳам куларди.

Асарнинг энг кульминацион нуқтаси — бутун умр саҳнага талпиниб яшаган актрисага роль таклиф қилишади. Турмуш ўртоғи эса пьесанинг бемаза ёзилганини сабаб қилиб, аёлига бу ролни ўйнашига рухсат бермайди. Рафиқасининг бир умрлик орзуси пучга чиққанини ҳис қилгач, унга ҳаётий спектаклда ўйнаш учун имкон яратади.

Собиқ ижодкор — эр-хотиннинг ички кечинмалари асарнинг асосини ташкил этади.

Спектакль ниҳоясига етди. Дугонам саволларига жавоб олиш учун саҳна ортига ошиқди. Гавҳар Зокированинг ҳаяжони ҳали босилмаган, томошабинларнинг қарсаклари эшитилиб турарди.

— Гавҳар опа, қандай қилиб саҳнада кулиб туриб йиғлайсиз?

— Агар бир вақтнинг ўзида йиғлаб кулолмасам, унда актриса бўлолмасдим, — дейди Гавҳар опа.

— Жуда ҳаётий чиқибди, — дейман чин кўнгилдан.

— Бу аслида Жамшид ака иккимизнинг ғоямиз эди. С. Имомов уни пьеса сифатида ўзимизга тақдим этди. Бунинг бир қисми менинг турмушим, ҳаётим. Ўйнаётганда ҳам ҳаётим кўз ўнгимда гавдаланади. Ҳар бир воқеани ич-ичимдан ҳис қилиб, ижро этаман.

Театрнинг томошабинлар билан гавжум зали, фойелари бўшаб, ижодкорлар билан хайрлашиб, кўчага чиқдик. Бир оз аввал бу ерга келишга вақт тополмай, ишимиз кўплигини баҳона қилганимиздан хижолат тортдик. Полина Шумилова саҳналаштирган "Севаман дедимми?" номли спектаклни тушуниш бироз мураккаб. Аммо асар ҳаётнинг бир бўлаги, аксини ифода эта олгани билан аҳамиятли эди, назаримда.

**Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.**

Муқаддас туйғуси

**Биз ўсиб-улғайган уйимиз анча эскириб қолди. Деворлари нураб хиёл чўкди. Энди биз ўзимизни катта бўлиб қолган деб билдик. Кўзимизга уйларимиз ниҳоятда хароб кўринар, гоҳида меҳмон келса уялардик.**

# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ



### Отамнинг эски уйи

Ниҳоят, эски уйларни бирин-кетин бузиб, янгилай бошладик. Фақат ҳовлимизнинг четида жойлашган бир хонанигина бузолмадик.

Уни бузишимизга отам сира йўл қўймади.

Бир куни ҳаммамиз йиғилиб отамни шу уйни бузишга кўндирмоқчи бўлдик.

— Эски уйни янгиласак яхши бўларди, шундоғам нураб боряпти, — деди катта акам.

Отам узоқ вақт жим турди, ниҳоят овози титраб жавоб берди:

— У уйни менинг отам қурган, уни ҳеч кимга буздирмайман.

Отамнинг кўзига қарадиму кипригига илиниб турган ёшни кўриб, кўнглим бузилиб кетди.

Она юртини ҳамма ўз билганича севади. Мен Ватаннинг бир бўлагиман, дейди кимдир. Бошқаси бўлса сени ҳеч нарсага алишмайман, дейди. Ўзим ҳам бир неча бор ватанпарварлик деган муқаддас туйғу ҳақида ёзганман. Энди ўйлаб кўрсам, ўша ёзганларимда Ватанни ундоқ севиш керак, бундоқ севиш керак, деб ўргатмоқчи бўлибман. Аммо шу тобда она юртимни отам отасининг эски уйини севганичалик сева оламанми, йўқми, деб ўйланиб қолдим.

### Шифобахш замин

Бу воқеани Арабистонга саёҳатга борган бир дўстимдан эшитган эдим. У ерда тақдир тақозоси билан муҳожирликка юз тутган юртдошларимизнинг маҳалласи бор экан. Ўша ерда кимнинг тоби қочса, фақат бир нарсадан шифо топишаркан. Бу ҳам бўлса, она юртларидан ўзлари билан олиб келишган бир халта тупроқ. Мана шу мўъжизакор тупроқ беморнинг уйида бир кеча турса бас, ўша одам дарддан фориғ бўларкан. Шундай қилиб, бир сиқим тупроқ неча йилдирки хонадонма-хонадон кезаркан.

Шунга ўхшаш яна бир ҳаётий ҳақиқат: қаричилик, отамнинг тез-тез тоби қочиб туради. Ўшанда мени ҳовли четидаги уйга олиб бориб қўйинглар, дейди. Биз отамни эски уйга элтамиз. Мана шу уйда отам бир кеча тунайди-да тонгда яна тетик, бардам бўлиб ҳовлига чиқади.

### Ривоят

Ривоятларда келтирилишича, Тангри таоло Маккани мукаррам шаҳар этиб сайлаганида фаришталар сўрашибди:

— Энди ҳамма бандаларинг Маккада яшашни ихтиёр этишса-чи, — деб.

Шунда уларга:

— Мен инсоннинг туғилган юртини ўзи учун Маккадан-да суюмли қилдим, — деган жавоб бўлган экан.

### Хулоса

Ватан ҳақида сўз борганда албатта, шоҳ ва шоир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурни эслаб ўтамиз. Алишер Навоий кўпчилигимиз ёд биладиган бир рубоийсида битганидек шоҳона ҳаёт ичидаги ғарибликни тақдир Бобурнинг пешонасига ёзган экан. У гарчанд шоҳ бўлсада шодумон яшолмади. Ватаннинг ҳажри-ёди бир зум бўлса-да, унга тинчлик бермади. Балки, шу соғинч, шу муҳаббат шавқи уни бутун дунёга танитгандир.

У юрт ишқида шунчалик куйдики, Мирзо Бобур, дейилса, кўз олдимизда Ватаннинг сиймоси бор бўй-басти билан акс этадиган даражага етди.

Онанинг оқ сутини, унинг алласини ҳеч қандай моддиёт билан ўлчаб бўлмайди. Буни сизу биздан кўра тахтда ўтирса-да, ўз юртида гадо бўлишликни афзал билган Бобур яхшироқ англади.

Дунёда адо қилиб бўлмайдиган бурчлар ҳам бор. Улардан бири ота-онанинг ҳақи, уларнинг олдидаги қарздорлик ҳиссидир. Ҳаммамизнинг зиммамизда худди шундай мажбурият — Ватаннинг ҳақи ҳам бор. Майли, биз ҳеч бўлмаса уни Бобурчалик севайлик. Ўша, отам буздиришга йўл қўймаган иморатчалик, мусофирликда юртдошларимиз мўъжиза деб билаётган тупроқчалик уни қадрласак айни муддао бўлади.

**Муҳаммад СИДДИҚ.**



# Жаҳон ҳафта ичида

### Музокараларга чорламоқда

Ҳали ҳам Афғонистонда Толиблар томонидан гаровга олинган 21 нафар жанубий кореялик озод этилгани йўқ. Музокаралар эса натижа бермаётир. Толиблар расмий Сеул билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга тайёр. Бу ҳақда ҳаракатнинг махсус вакили Кари Юсуф Аҳмадий маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, музокара ўтказувчиларнинг хавфсизлигини Толиблар кафолатлайди.

Интернет хабарларига кўра, Толиблар музокараларни учинчи бир давлатда ёки БМТ томонидан хавфсизлик таъминланган шароитда тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга тарафлар розилик билдиришган. АҚШ ва Афғонистон Жанубий Корея розилигисиз гаровдагиларни озод қилишга қаратилган ҳарбий амалиётлар ўтказишдан тийилиб турибди.

### «SMS» сигаретанинг ўрнини босадими?



Бирлашган Қиролликда шу йилнинг 1 июлидан жамоат жойларида чекишни тақиқловчи қонун кучга кирди. Бу эса кашандаларга малол келиши табиий. Улар ўзларини чалғитиш мақсадида қўл телефонларига «SMS» жўнатиш билан машғул бўлаётганга кўринади. Сабаби, мамлакатда 1 июлгача кундалик ўртача 7,5 миллионта қўл телефони орқали хабарлар жўнатилган бўлса, бугунги кунда уларнинг ўртача сони 519,5 миллионтани ташкил қилмоқда. «Orange» уяли алоқа оператори бу масалада тадқиқот ўтказди.

### Билл Гейтс биринчиликни бой берди

«Fortune» журнали рейтингига кўра, «Microsoft» компанияси асосчиси Билл Гейтс энди дунёнинг энг бой кишиси эмас. Таҳририят маълумотларига кўра, мексикалик тадбиркор Карлос Слим унинг ўрнини эгаллади. Унга тегишли акциялар баҳоси кўтарилиб кетиши натижасида унинг бойлиги 59 миллиард долларга етди. Билл Гейтснинг шахсий маблағи эса 58 миллиард долларга баҳоланмоқда.

Асли келиб чиқиши ливанлик бўлган Карлос Мексика фонд бозорида каттагина мавқега эга ҳамда мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмининг беш фоизини унга тегишли корхоналар ишлаб чиқаради. Унинг бизнеси телекоммуникация, банк ва ресторанларни қамраб олган. Журнал маълумотларига кўра, Билл Гейт сўнгги йилларда ўзига тегишли каттагина маблағини хайрияга фондларига ўтказган.

### Голливуд кино яратмоқчи

АҚШнинг Голливуд киноижодкорлари болгариялик ҳамшираларнинг Ливиядаги саккиз йиллик ҳаётини катта экранга чиқаришни режалаштиришмоқда. «Sixth Sense Productions Inc» вакилининг билдиришича, беш нафар болгариялик ҳамшира ва фаластинлик шифокор ўзларининг ҳаёти ҳақида фильм яратиш ҳуқуқини компания продюсерларига тақдим этган.

Киноижодкорларнинг сўзларига кўра, ҳақиқатда Ливияда ҳамширалар билан боғлиқ қандай воқеалар рўй берганини бутун дунё билиши керак.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Китобингизни ўқидим

# «ВАТАННИ СОҒИНИБ ҚОЛДИМ...»



Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган «Соғинч наволари» тўпламидаги ҳар бир шеърни ўқир экансиз, дилингизда соғинч ҳисси ортиб бораверади. Аслида соғинч ҳақида битилган шеърнинг ёмони бўлмайди.

Ватандошимиз Яҳёхўжа Саидхўжа ўғли 30-йилларда тақдир тақозоси билан юртимиздан чиқиб кетади. Кейин узоқ йиллар хорижда яшади. Ватандан олисда бўлган йиллари ҳис-туйғуларини шеърга солиб, қоғозга битди. Китобни варақлаб биринчи ўқиган мисраларим шулар бўлди:

***Нетай, эй дўстлар, бул***
***кун отамни соғиниб***
***қолдим,***
***Фалакдан нолалар***
***айлай онамни соғиниб***
***қолдим.***

Беихтиёр олис юртларда юриб, ота-онасини қўмсаб, дили она юрт соғинчи билан ўртаниб яшаган шоир кўз ўнгимда гавдаланди.

***Вафосиз дунё қурсин,***
***меҳрибонларимдан***
***жудо қилди,***
***Қилиб мажбур***
***адаштурди укамни***
***соғиниб қолдим...***

Асарнинг давомини ҳам юрагим тўлиб ўқидим. Ундаги ички бир оҳанг, мусиқийлик, дардга йўғрилган қўшиқнамо бир овоз кўнглимга ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб келди.

***Мисоли булбули***
***шайдо адашган***
***беватандурман,***
***Бошимда ақли ҳуш***
***йўқдур ватанни***
***соғиниб қолдим.***

Кўнгилдан чиққан сўз кўнгилгача етиб боради, деганлари рост экан. Яҳё муаллимнинг ёзганларини ўқир эканман, бунга шубҳа қилмадим. Юрак-юрагидан ёзилган, дилдаги кўп йиллик армонларни ўзида мужассам этган сатрлар кўзингизга ёш солиб, кўнглингиздаги тошни-да эритишга қодир.

Сўзларимизни миллатимизнинг ҳақиқий зиёлиси бўлган Яҳёхўжа Саидхўжа ўғлининг қуйидаги сатрлари билан якунлагим келди:

***Азизлар айтдилар,***
***соғлик туман бойлик***
***башарларга***
***Шуни тасдиқ***
***қилинглар, соғ***
***танчиликлар***
***ғаниматдур.***
***Ғанимат умримизким,***
***бу нафас киргунча чиққунча,***
***Вале, ғафлатда***
***қолманг, шукр***
***айтинглар, дам***
***ғаниматдур.***

**Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.**

# МЕЪМОРЛИК САНЪАТИГА БАҒИШЛАНГАН

**Яқинда «Талқин» нашриёти томонидан «Шердор мадрасаси безакларининг сирли олами» номли китоб – қўлланма чоп этилди. Асар олий ўқув юрти талабалари, санъатшунослар, меъморлар, усталар, магистрантлар, аспирантлар, мактаб ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари, саёҳатчилар ҳамда маънавий меросимизга қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган бўлиб, гўзал ва мафтункор қадимий Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.**



Маълумки, ота-боболаримиз азалдан бизга мерос қилиб қолдирган кўркам ва муҳташам обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, завқ олиш қаторида улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббат ва тилакларини тараннум этганлар. Шунинг учун бўлса керак, ўз даврининг буюк алломаси даражасига етган Иброҳим Ҳаққий: «Нақш — ҳаққониятни қўл билан ушлаб кўриш эмас, гўзалликнинг моҳиятини англаш, шу гўзалликни дилда тасдиқлаш, чодра ортидаги ҳолатга ўзни тайёрлаш ва унга кириб бориш тимсолидир», деган экан. Бинобарин, ёшларимизни аждодларимиз қолдирган меъморий ёдгорликлар ва амалий санъат асарларидаги безакларни рамзий маънода ўқий олишга, ундаги мантиқий-фалсафий ғояларни тўғри англашга ўргатиш долзарб масалаки, бу муаммони ҳал этишда ушбу қўлланманинг яратилиши катта воқеадир.

Китобда асосан Шердор мадрасаси пештоқидаги нақш безакларининг фалсафий талқини баён қилинган. Аммо у бошқа обидалардаги рамзларнинг ҳам маъносини англашимизга туртки бўлади. Чунончи, рамз сўзи «ишора қилмоқ» мазмунини ифодалар экан, табиатни, воқеликни, ҳаётдаги қувонч ва ташвишлар, дўст ва душман, эзгулик ва ёвузликларни чизиқ, ранг ва шакллар воситасида тушунтириб бериш мумкин.

Асарнинг қиймати яна шундаки, ҳар бир рамзнинг маъносига тўлиқ изоҳ берилган. Геометрик шакллару ранглар жилоси улуғ бир ҳикматни сўзлаётгандай, унда инсон рутбасининг моҳияти муҳрланган, ҳаёт мазмуни шарҳланган.

Ушбу қўлланма-китобнинг юзага келишида профессор Саидахбор Булатов, архитектор-реставратор, наққош Соибжон Салимов ҳамда Ўзбекистон халқ устаси, ганчкор-наққош Асрол Мухторовларнинг кўп йиллик самарали меҳнатлари ётибди. Безакларнинг рангли тасвирларда берилиши рисоланинг ўқимишлилигини янада оширган.

**Муродулла ҒАФУРОВ.**

Газетхон илҳоми

# *Шеърга ташна қалб*

***Лазизахоннинг шеъриятга бўлган ихлоси бошқача. Бир қарашда унинг ёзганлари оддийгинага ўхшаб кўринади. Лекин уларда истеъдод учқунлари яққол сезилади. Масалан, «Болалигим» шеърида «лойдан кулча ёпгим келар», дейди у. Шу бир оғиз каломнинг ўзи ҳам болалигингизни бўй-басти билан намоён этади.***

***Унинг шеърларини мутолаа қилган одамнинг кўз олдига поёнсиз кенгликлар, дашту далалар келаверади. Тўғрида, ахир у чўлқуварлар юрти бўлмиш Жиззах вилоятидан.***

***Биз Лазизахон Султоновани келажакда эл суйган шоира бўлиб етишишига тилакдошмиз.***

### ФАХР ҲИССИ

*Тикон, гулингни,*
*Ўнгу сўлингни,*
*Сўқмоқ йўлингни,*
*Қору дўлингни,*
*Кўзга суртаман,*
*Сени севаман!*

*Тоғда гулимсан,*
*Шўх булбулимсан.*
*Она тилимсан,*
*Жону дилимсан,*
*Сени севаман!*

*Қадримсан менинг,*
*Бахтимсан менинг.*
*Менга иқболсан,*
*Ўзинг ҳилолсан.*
*Сени дегайман,*
*Жондек севаман!*

*Бир юлдузингман,*
*Ўқ илдизингман.*
*Ёруғ юзингман,*
*Шодон қизингман.*
*Сенга фидо тан,*
*Жонажон ВАТАН.*

* * *

### КИТОБ

*Бунчалар мукаммалсан,*
*Буюксан, муқаддассан.*
*Доно, зукко, азизсан,*
*Бобом қолдирган изсан.*

*Етаклайсан юксакка,*
*Сўзинг яқин юракка.*
*Гоҳ йиғлатиб, кулдириб,*
*Етказасан тилакка.*

*Саҳифаси зар, ёрқин,*
*Ундаги сўзлар чақин.*
*Нур бор сенда, зиё бор,*
*Ҳар бир ишга имкон бор.*

*Ўзинг сирдош, ҳамроҳим,*
*Ақли тўла ҳамрозим.*
*Ишончим, бекаму кўст,*
*Ўзинг менга йўлдош, дўст!*

* * *

### БОЛАЛИГИМ



*Болалигим — пошшолигим,*
*Қўғирчоққа ошнолигим.*
*Бунча сувдай оқмоқда у,*
*Ўйинларга ташналигим.*

*Капалакка қўшилишиб,*
*Рақс тушиб, чопгим келар.*
*Гулчамбарлар тақиб бошга,*
*Лойдан кулча ёпгим келар.*

*Гуллар терсам этак-этак,*
*Бувимлардан тинглаб эртак,*
*Ярашади бунда бизга*
*Қанча ўйнаб қанча кулсак.*



*Орзуларим кўпдир ҳали,*
*Катта бўлсам кейин майли.*
*Катталарнинг эртаги ҳам*
*Хўб ажойиб, «Мажнун-Лайли».*

*Болалигим — пошшолигим,*
*Қўғирчоққа ошнолигим.*
*Умр сувдай оқса оқсин,*
*Қолмас шеърга ташналигим.*

**Лазиза СУЛТОНОВА.**

Маслаҳат

# ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

***Ҳозирги кунда юртимизда кўплаб боғлар барпо этилмоқда. Боғбон қилаётган меҳнати самарасидан болаларим ва набираларим, халқим билан баҳраманд бўлсак, деб орзу қилади.***

Маълумки, тоғларда ёввойи ҳолда ўсаётган мевали дарахтлар узоқ умр кўради. Сабаби, улар уруғ ёки данакдан бир жойда ўсиб вояга етади. Бу дарахтларни ҳеч ким ўрнидан кўчирмайди, илдизлари шикастланмайди. Шахсий томорқа ва ҳовлиларда ҳам узоқ умр кўрган олма, нок, беҳи, ўрик, гилос ва бошқа мевали дарахтларни учратиш мумкин.

Аммо боғларда буни кузатиш мушкул. Сабаби, боғ барпо этишда мевали дарахтлардан уруғ ёки данак тайёрлашда уларнинг соғломлигини билмаймиз. Ниҳол униб чиққач, баҳор ва кузда пайванд қилиш учун, қаламчалар олишда эса навли мевали дарахтнинг соғломлигини текшириб кўриш учун ҳамманинг ҳам тажрибаси етишмайди.

Кўпинча ниҳоллар бир ёки икки йил парваришланади. Сўнг кўчатлар қазиб олиниб, боғ барпо этилади. Бунда бир қатор хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Кўчат кўчиришда ҳар қанча эҳтиёт бўлинганда ҳам, дастлабки илдиз шикастланади.

Ердан унумли фойдаланиш ва кўпроқ даромад олиш мақсадида боғнинг қатор ораларига ҳар хил экинлар экилади. Бунда имкон қадар бўш жой қолдирмасликка ҳаракат қилинади. Йил давомида қатор оралиқларининг ҳайдалишида, шакл беришда дарахтларнинг илдиз ва новдалари жароҳатланади. Бу ҳол уларнинг такрор касалланишига олиб келади. Лаборатория шароитида текширилганда ғўза, картошка, помидор, булғор гармдориси ва бошқаларни касаллантирувчи замбуруғларни ажратади.

Демак, мевали дарахтлар ҳосилга кириб, қатор оралиқларини тўла эгаллагунларига қадар, бир неча йил давомида касалланишлари мумкин. Баъзида ёш боғлардаги дарахтларнинг ёппасига қуриб қолиши кузатилмайди. Сабаби, улар касалликларга маълум вақт бардош беради. Аммо тўлиқ ҳосилга киргач, ёзнинг ўрталарида айримларининг «чақмоқ ургандек» қуриб қолиши кўзга ташланади.



Боғдан мўлжалдаги ҳосилни олишни ният қилар эканмиз, қуйидагиларни амалга ошириш зарур: дастлаб шўрланмаган, суғориш муаммоси бўлмаган, алмашлаб экиш жорий этилган ер танланади. Уни кузда ағдариб, чуқур қилиб ҳайдалади. Кўп йиллар мобайнида ҳосил бўлган қаттиқ қатлам бузилади ва ер юзига ағдарилади.

Август ойида олма, шафтоли кўчатларининг ёш ва соғлом навли тупларидан пайванд қилинади. Айрим ниҳоллар пайванд учун етилмаса, келгуси йили баҳорда пайвандлаш мумкин. Асосий кўчатларга жароҳат етказмаслик учун ортиқча ниҳолларнинг илдизи кесиб ташланади. Баҳорда ниҳолларнинг пайванддан юқори қисми кесилиб, кўчатлар ёз бўйи парвариш қилинади.

Шафтоли олмани тўсиб қўймаслиги керак. Олма ҳосилга киргач, шафтоли туплари қисқартирилиб борилади. Олма аста-секин ўзига ажратилган ерни эгаллаб боради ва тўлиқ вояга етгач, йиллик ўсиши секинлашади ҳамда новдаларни кесиш ёки қисқартиришга эҳтиёж қолмайди. Шакл беришда ҳосил бўлган жароҳатларга боғ малҳами, мойли бўёқ суртилади. Пайвандланган кўчатлар билан боғ барпо қилинганида улар биринчи йиллари суст ўсади. Агротехника қоидалари асосида парвариш қилинган боғлар узоқ умр кўради ва ҳосили мўл бўлади.

**Эркин АЗИМЖОНОВ,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори.**

**Тошкент шаҳар Миробод туманидан рўйхатдан ўтган «HARBIY KIYIM» шўъба корхонаси «HARBIY KIYIM» давлат унитар корхонасига ўзгартирилади. Даъволар бўйича тел: 153-39-28.**

**Шукурова Гулнора Акмаловна номига 17.01.2000 йилда берилган 13-05/131 рақамли уйининг давлат ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.**

***«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.***
*Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.*
*Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.*

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ⓡ - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди 20.00

2007 йил 15 август, чоршанба.

# Миллий тикланиш

Миллий тикланиш — миллат келажаги

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган | 33 (416)-сон | Сотувда эркин нархда.

## «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига

Азиз меҳмонлар!

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Авваламбор, барчангизни муқаддас Ўзбекистон заминида, "Ислом маданияти пойтахти" деб ном олган азим Тошкент шаҳрида чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан бахтиёрман.

Бугунги конференция муносабати билан "Шарқ дарвозаси" деб ном олган пойтахтимизда сиз, муҳтарам мусулмон дунёсининг таниқли намояндалари – атоқли уламолар, диншунос олим ва мутахассислар, машҳур давлат, дин ва жамоат арбобларининг тўплангани нафақат Ўзбекистон халқи, балки бутун минтақамизда яшаётган кенг омманинг маънавий ҳаётида катта тарихий воқеа десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларга яхши маълумки, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Қадимий диёримиз шу асосда турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилиб келмоқда.

VII-VIII асрлардан бошлаб эса она юртимиз бутун мусулмон олами ривожида, муқаддас ислом илоҳиёти ва фалсафаси асосларининг шаклланишида ўчмас из қолдирганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Кўҳна Мовароуннаҳр заминида туғилиб камолга етган, ўзининг илмий жасорати, буюк кашфиётлари билан ислом дунёсида улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий ва Имом Термизий, Имом Мотуридий ва Маҳмуд Замаҳшарий, Бурҳониддин Марғиноний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёларимиз, Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий сингари алломa ва мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти ислом маданияти ва цивилизацияси билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, биз динимизни бу улуғ зотларсиз, бу улуғ зотларнинг номларини эса ислом динисиз асло тасаввур қилолмаймиз.

Ана шу буюк аждодларимизнинг кенг қомусий билим, ғоя ва фикрларини ўзида мужассам этган, бугунги кунда ҳам илмий ва инсоний қадр-қимматини йўқотмаган бой ва бебаҳо мероснинг ҳозирги ўта мураккаб ва таҳликали замон олдимизга қўяётган кўпгина ўткир, оғир масала ва муаммоларнинг ечимини топиш, динимизнинг асл маъно-моҳиятини холисона талқин ва тарғиб қилиш, катта умид билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодга тўғри йўл кўрсатишдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Биз муқаддас динимиз ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий бир қисми, одамларни руҳий-маънавий поклаш, уларнинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлаймиз.

Ана шундай пойдеворга таяниб, энг муҳими, қандай буюк зотларнинг авлоди, қандай бетакрор мерос соҳиби эканимизни англаган ҳолда, ўзимизнинг эркин, мустақил ва фаровон келажагимизни қуриш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш, мусулмон дунёси ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш – бизнинг эзгу мақсадимиздир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилигимиз ва миллий қадриятларимизни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг тараққиёт дастури, узоқ ва давомли мақсадларини белгилашда биз халқимизнинг моддий ва маънавий оламини юксалтириш, айниқса, ёш авлодимизни ота-боболаримиз қолдирган ўлмас меросни чуқур ўрганиш, қадрлаш билан бирга, умумбашарий қадриятлар, замонавий илм-фан чўққиларини эгаллаш руҳида тарбиялаш масаласини ўзимиз учун устувор вазифа қилиб қўйганмиз. Чунки эртага бизнинг ўрнимизни босадиган ўғил-қизларимиз айнан ана шундай озиқланган заминда вояга етган тақдирдагина комил инсонлар бўлиб, ҳақиқий таянчимиз ва суянчимизга, енгилмас маънавий кучга айланади, жаҳон майдонларида ҳар қандай беллашув ва синовларга тайёр тура олади.

Ана шундай орзу-интилиш билан биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб азалий урф-одат ва анъаналаримизни кўз қорачиғидек сақлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича, айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятини ҳайратда қолдирадиган ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Шу йўлда қилган ва амалга ошираётган улкан ишларимиз аввало ўзлигимизни, тарихий илдизларимизни англаш, дину диёнатимизни асраб-авайлашга қаратилган бўлиб, биз шу асосда ислом динининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо яхшилик ва эзгуликка чорлаши билан боғлиқ тушунчаларни, бир сўз билан айтганда, унинг маърифий моҳиятини нафақат юртимиз, балки бутун дунё жамоатчилигига етказишни ўз бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Шу борада Имом Бухорий ва Имом Термизий, Шоҳи Зинда, Регистон ва Бибихоним, Имом Мотуридий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний, Хожа Аҳрор Валий, Ҳазрати Имом ва бошқа буюк сиймоларнинг номлари билан машҳур бўлган кўплаб тарихий мажмуаларни ҳар томонлама обод этиш бўйича қилган ишларимиздан аввало ўзимиз руҳий мадад, маънавий куч-қувват олмоқдамиз.

Халқимизнинг қалб амри билан амалга оширилаётган бундай савобли ишларимиз, ҳеч шубҳасиз, ўзининг ижобий давомини топади, иншоолло.

Ўйлайманки, сиз, муҳтарам меҳмонлар конференция давомида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида қайтадан тикланган ва таъмирланган ноёб тарихий обидалар, янгитдан барпо этилган масжиду мадрасаларда, юртдошларимиз билан самимий суҳбат ва мулоқотларда бўлиб, эл-юртимизнинг бугунги кунда ҳам ислом маданияти ривожига қандай катта ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўласиз.

Шу маънода, мазкур анжуман сизлар учун кўҳна ва гўзал диёримиздаги ўзгаришларни ўз кўзингиз билан кўриш, мамлакатимиз ва меҳмондўст халқимиз ҳаёти билан яқиндан танишишга қулай имконият яратади деб ишонаман.

Сизларни ушбу конференциянинг очилиши билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**





## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

*Пойтахтимизда 14 август куни Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинишига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бошланди.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Бугун унинг жаҳондаги обрў-эътибори тобора юксалмоқда. Бу, айниқса, мамлакатимизда демократик ва бозор иқтисодиётига оид ислоҳотларни амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ютуқларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида, давлатимизнинг минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари бераётган самараларда ўз ифодасини топмоқда.

Бунда Ўзбекистон ўзининг ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатига қатъий амал қилган ҳолда, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар, кўплаб хорижий мамлакатлар билан узвий алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётгани, шунингдек, йирик халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйгани муҳим омил бўлмоқда.

Ана шундай нуфузли халқаро тузилмалардан бири — Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти (ISESCO) фаолиятида ҳар йили мусулмон дунёсидаги муайян шаҳарларни ислом маданиятининг пойтахтлари деб эълон қилиш ўзига хос анъанага айланган. Бундан кўзланган асосий мақсад мусулмон мамлакатлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, ислом маданиятига оид илмий-маърифий, тарихий-меъморий меросни ўрганиш, тиклаш ва тарғиб этиш, динлараро ва цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш, ҳукуматларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборатдир.

ISESCO томонидан Тошкент шаҳри 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, исломий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, аллома ва азиз-авлиёларимизнинг қадамжоларини таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Пойтахтимиз бундай юксак унвонга эришишида халқимизнинг ислом маданияти, фалсафаси, илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси, юртимиз тарихий обида ва меъморчилик намуналари, ислом динига оид қўлёзма манбаларга бойлиги ҳам муҳим ўрин тутди.

Азим пойтахтимизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга эришишида юртимиз алломаларининг қадимдан нафақат ислом, балки умумжаҳон цивилизацияси ривожига муҳим ҳисса қўшгани ҳам назарда тутилгани шубҳасиздир.

Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси халқаро миқёсда эътироф этилишининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан мазкур воқеага бағишланган илмий ва маданий тадбирларни ўтказиш юзасидан махсус қарор қабул қилинди. Тошкентда иш бошлаган «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция ушбу қарорда белгиланган энг муҳим тадбирлардандир.

Пойтахтимизда очилган анжуманда ўттиздан ортиқ мамлакатдан юздан зиёд атоқли уламо, диншунос олим ва мутахассис, машҳур давлат, дин ва жамоат арбоблари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда. Улар орасида Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ), Араб давлатлари лигаси, ISESCO, UNESCO, ИКТ қошидаги Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) каби йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари бор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқаро илмий-амалий конференция иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов ўқиб эшиттирди.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Буюк ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлайдиган кўприк бўлиб хизмат қилган. Шу боис диёримиз турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган ўлка сифатида танилган. Ўзбекистон аҳли ислом дини ва ислом цивилизациясини жаҳон цивилизацияси, кишилик тараққиёти ва маданиятининг узвий қисми, инсонни руҳий-маънавий поклаш, унинг онгу шуурида шукроналик, тинч ва осуда ҳаёт кечириш, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик каби боқий қадриятларни мустаҳкамлашнинг асосий омили ва мезони сифатида юксак қадрлайди.

Ислом конференцияси ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалуддин Эҳсон ўғли, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, ISESCOнинг Маданият ва алоқа бошқармаси бошлиғи Мустафо Аҳмад Али, UNESCO Бош конференцияси раиси Мусо бин Жаъфар Ҳассан, ИКТ қошидаги Ислом маданияти ва санъати тадқиқотлари маркази (IRCICA) директори Ҳалит Эрен, Кувайт Давлати олий таълим ва маориф вазири, ISESCO, ALESCO, UNESCO ишлари бўйича миллий комиссияси раиси Нурия ас-Сабиҳ, Кувайт адлия, ислом ва вақф ишлари вазири Абдулла ал-Маътуқ, Эрон Ислом Республикаси маданият ва ислом алоқалари ташкилоти раиси Маҳмуд Муҳаммадий Ароқий ва бошқалар Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган ушбу нуфузли халқаро анжуман жаҳон ҳамжамиятига ўзбек халқининг кўҳна ва бой мероси билан яқиндан танишиш имконини бериши ҳамда цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилишини таъкидладилар.

Шундан сўнг ислом маданияти пойтахтининг рамзий калити Тошкент шаҳри ҳокими А. Тўхтаевга тантанали равишда топширилди.

Конференциянинг биринчи ялпи йиғилишида Имом Бухорий республика илмий-маърифий маркази директори З. Мунаввваровнинг «Ўзбекистон – ислом цивилизациясининг муҳим маркази» мавзуидаги маърузаси тингланди.

Жазоир олий ислом кенгаши раиси Буамран Ших, Араб давлатлари университетлари иттифоқи Бош котиби Солиҳ Ҳошим (Иордания), Саудия Арабистони Подшоҳлиги ислом ва вақф ишлари вазири маслаҳатчиси Мажид ат-Туркий, Исломобод халқаро ислом университети қошидаги Даъват академияси ректори Абдул Жаббор Шокир (Покистон), Кавказ мусулмонлари идораси раиси, Озарбойжон муфтийси Аллоҳшукур Пошшозода Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент ва бутун Ўзбекистон ҳудуди Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин эгаллаб келганлигини қайд этдилар.

Анжуманда истиқлолнинг дастлабки davриданоқ Ўзбекистонда миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, буюк аждодларимизнинг хотирасини улуғлаш, уларнинг муборак зиёратгоҳ ва қадамжоларини обод қилиш бўйича нафақат юртимиз жамоатчилигини, айни чоғда жаҳон ҳамжамиятини ҳайратга соладиган ютуқлар қўлга киритилгани таъкидланди.

Самарқанддаги Имом Бухорий ва Имом Мотуридий зиёратгоҳлари, Бухородаги Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Минораи Калон ва Масжиди Калон мажмуалари, Фарғонадаги Аҳмад Фарғоний ва Бурҳониддин Марғиноний ёдгорликлари, Сурхондарёдаги Ҳаким Термизий ва Имом Термизий, Хивадаги Ичан қалъа, Шаҳрисабздаги Дорут-тиловат, Қарши шаҳридаги Одина ва Кўк Гумбаз обидалари, Кармана шаҳридаги Қосим шайх мақбараси сингари ўнлаб қадамжоларни обод этиш борасида бажарилган бунёдкорлик ишлари шулар жумласидандир.

Президентимиз томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Қарорга мувофиқ Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида ғоят катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бугун бу ердаги Ҳазрати Имом жоме масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг биноси ва бошқа ноёб, бетакрор иморатлар инсон кўзини қувонтириб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг яна бир марта ёрқин намоёнига айланди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция иштирокчилари мулоқотни Ўзбекистон ҳудудида ислом цивилизациясининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, Шарқ Уйғониш даврида ислом илоҳиётшунослиги ва дунёвий фанлар ривожи, ислом таълимоти ривожида Марказий Осиё мутафаккирларининг роли, мусулмон меъморчилиги ва санъати тараққиёти, Ўзбекистоннинг ёзма ва моддий ёдгорликлари – умумислом цивилизацияси мероси, цивилизациялараро ва конфессиялараро мулоқот – бағрикенглик пойдевори каби мавзуларга бағишланган шўъбаларда давом эттирди.

Халқаро конференция иштирокчилари Ҳазрати Имом мажмуасини зиёрат қилдилар. Меҳмонлар бу ердаги янгитдан барпо этилган масжид ва қайтадан тикланган ҳамда таъмирланган ноёб тарихий обидаларни кўздан кечириш асносида эл-юртимизнинг бугунги кунда ҳам ислом маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшаётганига гувоҳ бўлдилар.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон ислом обидалари» ҳужжатли фильми ҳамда ўзбек, араб, рус ва инглиз тилларида нашр этилган «Тошкент — ислом цивилизацияси гавҳари» фотоальбомининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Конференциянинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Абдуҳалимов иштирок этди.

Анжуман ўз ишини 15 август куни Самарқанд шаҳрида давом эттиради.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири.**

**Раёсат йиғилиши**

## ПАРТИЯ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг навбатдаги Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши Раёсати аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари раислари ва партия фаоллари иштирок этишди.

Раёсат йиғилишини партия Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Х. Дўстмуҳамедов очиб, барчани яқинлашиб келаётган Энг азиз ва энг улуғ байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги билан табриклади.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала — «ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг биринчи ярим йиллик фаолияти якунлари тўғрисида» ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Х. Мирзажонова маъруза қилди. Нотиқ партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари томонидан ўтган даврда ижтимоий-сиёсий, маърифий-маънавий соҳаларда, Ижтимоий ҳимоя йили ва партиявий тарғибот-ташвиқот борасида қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди. Хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши натижасида партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг янада жадаллашгани, партия фракцияси ва депутатлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Марказий кенгаш бош ҳисобчиси Р. Бобомирзаева Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар партия кенгашларида Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунининг 2007 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси, бюджет маблағларининг сарфланиши, тадбиркорлик ва ҳомийлик ишлари тўғрисида маълумот берди.

Шунингдек, йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўрилди ва кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Ўз мухбиримиз.**

**Газетамизга 2007 йилнинг келгуси ойлари учун обуна давом этаётганлигини эслатиб ўтамиз.**

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги олдидан

# БУ МАНЗИЛДА ЖАҲОН ОТИН ИЗЛАРИ БОР

***Акаси Амир Олимхон вафотидан кейин Қўқон хонлиги тахтига ўтирган Амир Умархон оиласи, яқинлари қаторида Нодирабегимнинг устози, замондош шоира Жаҳон отин Увайсийни ҳам Хўқанди латифга олиб кетди. Саройдаги аёлларга хат-савод, илм ўргатиш билан бирга Жаҳон отиннинг Нодирабегим билан ижодий ҳамкорлиги давом этди.***

Бир куни шоира Марғилонга қайтиш учун рухсат сўради. Хон бир сабаб кўрсатиб, бир оз сабр қилиб туриш лозимлигини айтди. Яна бир фурсат ўтгач, хон Увайсийнинг бу сўровига Наврўз ўтсин деб жавоб берди. Ниҳоят, учинчи бор сўралгандан сўнг, шоирага хон оиласи томонидан ижозат берилди. Жаҳон отин туғилиб ўсган хонадонига кириб бораркан, уйи ўрнида пештоқлари нақшинкор, икки устунли уй қад ростлаганини кўрди. Бошқа биров ҳовлимизга кўчиб келдими, дея шоиранинг ҳайратланиб сўраган саволига аъёнлар бу Амир Умархондан Жаҳон отинга совға эканлигини айтишди...

Республикамиз Президентининг 2005 йил 9 ноябрида қабул қилинган «Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори Марғилон шаҳридаги тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш ва халқ фаровонлигини оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этди. Қутлуғ тўй муносабати билан янгидан барпо этилган ва тубдан таъмирланган замонавий ҳамда тарихий иншоотлар Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги ва шаҳарнинг 2000 йиллик юбилейи арафасида фойдаланиш учун топширилди. Улар орасида Жаҳон отин Увайсий уй-музейи ҳам бор. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги буюртмаси асосида қад кўтарган уй-музейни ободонлаштириш ишлари шаҳардаги кўплаб ташкилотлар, маҳалла ва шаҳар аҳолиси, Марғилон шаҳар ҳокимлиги, Фарғона вилоят маданият бошқармаси томонидан олиб борилди. Музейни жиҳозлашда вилоят ўлкашунослик музейи раҳбарияти ва мутахассислари, Марғилон тарихи музейи жамоаси жонбозлик қилдилар.



Ғишт ётқизилган йўлак шарқона услубда қурилган, кунчиқарга қаратиб солинган икки устунли уй томон бошлайди. Уйнинг орқа томонида, четроқда айвон. Ҳовли ўртасида Жаҳон отин ўз қўллари билан эккан, илҳом онларида соя берган, шоиранинг яхши-ю ёмон кунлари, замона кулфати, фарзанд доғида куйиб битган сатрларининг гувоҳи бўлган тут дарахти. Турмуш ўртоғидан эрта жудо бўлган, Қашқар юришида ҳалок бўлган ёлғизгина ўғли Муҳаммадхон, эндигина набира кўрдим деб қувонганда вафот этган қизи Қуёшхон доғида чеккан изтироблари-ю, бошига тушган мусибатлардан ўртаниб тўккан кўзёшларининг, интизорликларининг гувоҳи бу дарахт. Шунданми, ҳовлига бу кекса дарахт ўзгача сир, салобат бахш этади.

Икки устунли айвондан ўтиб, шоира меҳмонхонасига кирилади. Хона тўридан қўқонлик рассом Раҳмонали Мирзаев мўйқаламига мансуб Жаҳон отин Увайсий портрети жой олган. Шоира фойдаланган сандиқ, сарҳим, сопол товоқ, қаламдон, у мутолаа қилган китоблар, замондошлари қўлёзмалари, Нодирабегим ва Амир Умархон портретлари, шамдон, доира, танбур ва шу оила аъзоларининг XIX асрга мансуб уй-рўзғор буюмлари, ойнаванд жавонлардан жой олган экспонатлар сизни Жаҳон отин Увайсий яшаган давр руҳига ошно этади. Шоира ҳаёти, ижоди ёритилган илмий рисолалар ҳам намойиш этилган. Кўргазмадан жой олган каштачилик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик каби халқ амалий санъатининг ноёб дурдоналари хона кўркига кўрк қўшиб турибди.

Шу ўринда «Жаҳон отин Увайсий» номидаги тўгарак машғулотлари учун музей биносидан хона ажратилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кўргазмадан мазкур тўгарак аъзолари, Увайсий издошлари қаламига мансуб ижод намуналари, шеърий тўпламлар ҳам жой олган. Бу эса музейнинг чинакам маънавият масканига айланишига хизмат қилади.

Шоира учун энг севимли гўша бўлган бу ҳовли унинг сўнгги манзили ҳамдир. Бугун бу даргоҳ Жаҳон отин Увайсий қабрини зиёрат қилишга келган шаҳар аҳли ва меҳмонлар билан гавжум.

**Мамлакат ҲАЙДАРОВА,**
**Марғилон тарихи музейи ходими.**

Нон ҳақида ривоят

# ДУНЁДАГИ ЭНГ ХУШБЎЙ ҲИД

***Сизнингча дунёда энг ёқимли нимaнинг ҳиди?***

***Топдингиз, Навоий бобомиз ҳам худди шундай фикрга келганлар. Ҳусайн Бойқаро шу биргина сўзи учун Навоийга зар чопон ва қимматбаҳо ҳадялар инъом этгани ҳам бежиз эмас. Бу нон ҳиди эди.***

***Сизнингча, дунёдаги энг меҳмондўст халқ қайси?***



Азамат АҲМАД олган сурат.

Бошдан дўппини олиб ўйлаб кўрадиган бўлсангиз, бу ўзимизнинг ўзбек эли эканлигига амин бўласиз. Меҳмон келса, борини дастурхонга тўкади. Аммо дастурхонимизда турган турли-туман ноз-неъматлар ичида нон бўлмаса-чи? Нима дедингиз?.. Тўғри айтасиз, дарров болаларни бозорга жўнатасиз.

Бозорда новвойларнинг бозори чаққон. Новвойлар қанча кўп бўлса, нонларнинг тури ҳам шунча кўп (оби нон, ширмой нон, патир нон...). Уни бир хил, мазаси ҳар хил деб шунга айтсалар керак. Нафақат ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, балки ҳар бир хонадонда таёрланадиган нонларнинг мазасини қиёслаганда ҳам ўхшашлик кам сезилади. Айниқса, Самарқанд нони ўзининг кўриниши ва мазаси билан барчани лол қолдириб келади.

Айтишларича, Самарқанд нонини бошқа жойда қилиб бўлмас экан. Бу ҳақида шундай ривоят ҳам бор. Эмишки, қадимда сайёҳлар Самарқанддагидек нон тайёрлаш учун ўз юртларига бу жойдан ун, туз, сув, тандир, қўйингки, нимаики лозим бўлса, барчасини олиб боришибди. Самарқанддагидек нон ёпишолмабди.

Бунинг сабабини тушунолмагач, самарқандлик новвойлар шундай жавоб беришибди:

— Сизларда ҳамма нарса бўлгани билан биздагидек ҳаво йўқ...

Демак, биргина нонниннг шу қадар гўзал ва тотли чиқиши учун ҳатто ҳаво ҳам ўз ҳиссасини қўшар экан. Қашқадарё-ю Тошкент патирларини айтмайсизми, бир-бири билан беллашаман дейди.

Ҳар сафар нон олиш учун бозорга тушсам, новвойлар нонларини баравар узатишади.

— Келинг, нон керакми? Мана, нонларнинг ширини бизда бор.

— Келинг, опажон, ёғлиқ патирлар бор. Тандирдан ҳозир узилган, иссиққина, мазасига гап йўқ, ишонмасангиз, тотиб кўринг!

Улар ҳар бир харидорни шундай кутиб олишади.

Патир сотаётган йигитнинг ёнида тўхтадим:

— Нон пиширишнинг сири нимага боғлиқ?

— Унга боғлиқ. Илгари Қозоғистоннинг биринчи навли унидан ишлатардик. Озгина қимматлик қилаётувди. Ҳозир ўзимизнинг Ўзбекистондан чиқаётган ундан ишлатаяпмиз. Ҳам арзон, ҳам сифатли. Кунига уч-тўрт қоп нон шаклига келади.

Шу пайтда бир йигит нон кўтариб келиб қолди. Ҳовури чиқиб турган нонларни суҳбатдошимнинг ҳалигина бўшаб қолган саватига терар экан, иссиқ нонниннг ҳиди чор атрофга ёйилиб, ҳамманинг димоғини яйратиб юборди. Бир кекса отахон нонлар орасидан янада чиройлироғини танлаб олишга уринаётган йигитга танбеҳ берди:

— Танлаб нима қиласан, болам, ҳаммаси бирдек нон бўлса, шу кунларга етказганига шукр қилмайсанми?

Кейин сотувчига юзланди:

— Йўқчиликни кўрмаган-да, бир вақтлар бир бурда нон учун навбатга турганмиз. Аллоҳга шукр қилайлик, бозорларимизда нон сероб.

Отахон кетар чоғи кафтини очиб, дуо қилди:

— Илоҳим, нондек азиз бўлинглар, болам.

Оппоқ яктак кийган нуроний отахоннинг дуоси кўнглимни яйратди. Негадир бу ҳолат менга жуда-жуда табиий кўринди. Ўйлаб қолдим, дунёдаги энг серният халқ қайси экан?

Бу ҳам ўзбек элидир!

"Илоё, дастурхонимиз тўкинсочин бўлсин", "Осмонимиз мусаффо бўлсин", "Бахтимизга болаларимиз омон бўлишсин", "Мартабанг улуғ бўлсин", "Бахтинг очилсин"...

Ҳа, халқимизнинг ниятлари эзгу, кексаларимиз ҳамиша дуода, бозорларимизда нонлар сероб экан, демак, истиқлолимиз бизга ёруғ истиқбол олиб келди деб айтишга ҳақлимиз.

**Нуржаҳон АВАЗОВА.**

Санъатимиз фидойилари

***Мен бир умр куй-қўшиқлар оламида яшадим. Ўқлар визиллаб турган жанггоҳларда ҳам, меҳнат авжи қизиган далаларда ҳам, минглаб мухлислар йиғилган давраларда ҳам жўшиб-жўшиб куйлайвердим. Қўшиқларим билан одамлар қалбини завқ-шавққа тўлдирдим, қўшиқлар айтиб она-Ватанни севдим, эъзозладим. Ва битта ҳақиқатни тушуниб етдим. Элу юртга хизмат қилиб яшаш чинакам бахт экан!***

(Ўзбекистон халқ артисти Коммунахоним Исмоилованинг суҳбатидан).



# «ҚЎШИҚ АЙТИБ, ВАТАННИ СЕВДИМ...»

## Тақдирни ўзгартирган кун

Айни кўклам чоғи эди. Қизалоқ мактаб партасини бармоқлари билан чертиб, дугоналари ўртасида аллақандай қўшиқни хиргойи қилаётганди. Шунда эшик очилиб, бир неча кишилар киришди. Гавҳар Раҳимова, Фахриддин Содиқов, ёнларида уч-тўртта ёш қизлар.

— Ҳозиргина хиргойи қилиб турган қиз ким эди? — сўрашди улар. Дугоналар қорачагина қизни кўрсатишди. "Исминг нима?", — деди Гавҳархоним, сўнгра қизалоқнинг елкасига қоқди.

— Коммунажон, яна битта қўшиқ айтиб бер-чи!

Бир оз вақтдан кейин шу мактабнинг директори — Коммунанинг отаси келиб меҳмонлар билан саломлашди.

— Қизингизни олиб кетмоқчимиз, — деди Гавҳархоним унга. — Янги ансамбль тузаяпмиз. Манави қизлар билан биргаликда қўшиқ айтади.

Шу куни улуғ санъаткорларга эргашиб кетган Коммунахоним орадан бирор ҳафта ўтиб, ўзи мустақил саҳнага чиқди. "Тоҳир ва Зуҳра"да Моҳим ролини ижро этди. Пойтахтдаги театр саҳналарида унинг қўшиқлари тез-тез янграй бошлади. Фахриддин Содиқовдан кўплаб қўшиқлар ўрганди. Саҳнама саҳна ўсди, улғайди. Овози янада баланд, янада ҳароратли, янада жозибали бўла борди.

— Мактабда ўқиётган чоғларимдаги ўша биргина кун тақдиримни буткул ўзгартириб юборди, мен ўша кунданоқ ўз қўшиқларим билан санъатимиз равнақига ҳисса қўшишдек шарафли масъулиятни зиммамга олгандим, — дея эслайди Коммунахоним.

## Юрт соғинчи буюк экан...

Кўп ўтмай уруш бошланди. Ўн-ўн беш чоғли қизни ўз сафига бирлаштирган ансамбль жанг майдонига отланди. Энди уларнинг саҳнаси жанггоҳ, тингловчилари эса ярадор аскарлар эди. Ҳар бири ёш бўлса-да, оғир вазифани бажаришга чоғланишганди. Жисму жони оғриқдан қақшаб турган ярадорларга қўшиқ айтиб таскин бериш, уларни куй-наво билан даволаш зарурлигини ҳис этардилар.

Бу ҳақда Коммунахоним шундай ҳикоя қилади:

— Бир куни концерт бригадамиз 2-Украина фронтидаги Кременчук деган жойга бордик. Бу ерда ярадорлар ўзлари билан ўзлари овора эди, юз-кўзлари чандиб боғланган. Қўли ё оёғи йўқ аскарлар оғриқнинг зўридан оҳ-воҳ қилишарди. Концертни бошладик. Бирданига ҳамма жим бўлиб қолди. Концертимиз тугаши билан аскарлар қичқириб юборишди. "Сизларнинг овозингизни эшитиб, она юртни кўргандек бўлдик, энди ўлмаймиз!", — дейишарди нуқул.

Ҳар гал қўшиқ куйлаб бўлгач, ярадорларнинг яраларини боғлардик, ширин сўзлар билан тасалли берардик, уйларига хат ёзишларида кўмаклашардик. Тепамизда эса ўқлар визиллаб учар, бомбалар гувилларди. У кунларни хотирласам, она юрт тинчлиги жон қадар азиз эканлигини чуқурроқ тушунаман, буни фарзандларимгаям қайта-қайта айтаман.

## Бир хониш тарихи

Кўпчилигимиз учун қадрдон бўлиб қолган бу қўшиқда шундай сатрлар бор:

***Инсоннинг ҳаётига***
***Чанг солса агар бир дард,***
***Илмини қурол қилган***
***Меҳрибон шифокорлар...***

— Шу қўшиқни айтишингизга бирор воқеа туртки бўлганми? — дея сўрайман санъаткордан.

Опа ўша воқеани эслаб кетадилар:

— 1962 йил бошларида бахтсиз ҳодиса туфайли қаттиқ изтироб чекиб, овозим чиқмай қолди. Ўн ой товушсиз яшадим. "Семашко"да узоқ вақт даволанганимдан сўнг тузала бошладим. Ўша кезларда шоир Пўлат Мўмин ҳам шу жойда муолажа олаётган эди. Мен у кишидан шифокорлар ҳақида битта қўшиқ ёзиб беришини илтимос қилдим. Таниқли бастакор Комилжон Жабборов бу қўшиққа куй яратди. Икки ойча ўтиб каттакон йиғинда янги қўшиқни айтдим.

"Шифокорлар" қўшиғи худди шу тарзда яратилган.

## Меҳр яшартиради

— "Кўргузиб юзин жамолин, масту ҳайрон айлади", деб бошлангувчи қўшиғингизни даладаги қизлардан тортиб, даштлардаги чўпонларгача, ҳаммаси ўзича хиргойи қилиб юрарди бир пайтлар. Шаҳар ва қишлоқларда кўпчилик сизга ҳавас қилишиб қизалоқларига Коммуна деб исм қўйишганиниям биламиз. Катта саҳналарга чиқиб, элга танилишингиз аслида осон кечмагандир...

— Улуғ санъаткорлар менга устозлик қилишди, — дейди Коммуна опа. — Урушдан сўнг Хоразмга қайтиб, Гавҳархоним ташкил этган "Хоразм" ансамблига қўшилдим. "Лазги"ни Гавҳар Раҳимова билан бирга ўйнадим. "Меҳнат аҳли"ни Ҳалима Носирова билан биргаликда айтдим. Мақомда Берта Давидовага эргашдим. "Гулнора" ариясини узоқ йиллар куйладим. Сиз ҳозиргина эслаб ўтган "Қашқарча ушшоқ" қўшиғининг мисралари ўтлуғ, куйи ҳам ўта жозибали эди. Қай даврага кирсам, мухлислар: "Масту ҳайрон айлади" қўшиғингизни айтиб беринг", — деб қайта-қайта сўрашарди. "Ўғлимга ўхшайди овозинг сенинг" қўшиғим ҳам ҳалиҳанузгача халқнинг тилидан тушмайди.

— Ёш хонанда Даврон Аҳмедов сизнинг шу қўшиғингизни айтиб элга танилди. Бу йигит ҳар жойда сизни ўзига устоз санаб, исмингизни фахр билан тилга олади. Аслида ана шу қўшиқни қай вақтдан бери куйлаб келаяпсиз?

— Бундан олтмиш йилларча аввал яратилган бу қўшиқ... Уруш эндигина тугаган йиллар эди. Устозим Комилжон Отаниёзов билан "Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам" достонидан айтишувлар ижро этиб юрганимизда менга бу қўшиқ жуда ёқиб қолди. Комилжон Отаниёзовдан куй басталаб беришларини сўрадим. Сўнг шу қўшиқни илк бор Тошкентдаги Навоий театримизнинг очилиши муносабати билан ўтказилган йиғинда айтдим.

***Ҳақ ўзи еткарган азиз***
***меҳмоним,***
***Ўғлима ўхшайди***
***овозинг санинг.***
***Тез хабаринг бергин***
***чиқмасдан жоним,***
***Болама ўхшайди***
***овозинг санинг...***

Одамлар бу қўшиқни кўзларида ёш билан тинглашарди. Чунки урушдан кейинги йилларда кўплаб хонадонларнинг ўғлонлари қайтмаган, баъзилари бедарак кетган, оналар ўғли ё эрининг йўлига кўз тиккан... Қўшиқ сўзлари эса уларнинг юрагини юмшатиб, таскину тасалли берарди, гўё.

— Коммуна опа, кексалик даврининг фароғати билан яшаш ҳам бир бахт аслида. Мана, сиз саксон ёшнинг фароғати остонасида турибсиз. Ўзингизни бахтли аёллар сафига қўшармидингиз?

— Албатта. Маннон Уйғур номли Санъат институтида йигирма йилдан кўпроқ вақт ишлаб, юзлаб шогирдлар етиштирдим. Мақом сирларини ўрганишиб, гўзал овозлари билан ашулалар айтаётган шогирдларим — Зулайҳо Бойхонова, Меҳри Бекжонова сингари хонандалар Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлишди. Тожибар Азизова, Муножот Тешабоева, Нилуфар Саидова ва бошқа кўплаб шогирдларим ҳам ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган. Уларга қўшиқчиликдан илм бериб, ўзим ҳам доцент бўлдим. Тошкент маданият коллежида ўн беш йилдан ортиқроқ вақт фаолият кўрсатдим. Айни пайтда Глиэр номидаги мусиқа даргоҳида ишлаяпман. Мен бир жойда тинч ўтиролмайман. Янги овозлар кўпайиши йўлида билимимни, устозлик санъатимни, вақтимни ҳеч аямайман. Турли йиғинларда ҳали-ҳануз ўз қўшиғим билан қатнашаман, билганларимни ёшларга ўргатиб келаяпман. Ишдан чиқиб уйимга — қизим ва суюкли набираларим ёнига шошаман. Уларни бағримга босиб янада яшараётгандай бўламан. Сизга битта ҳақиқатни айтай, меҳр одамни яшартиради! Мен элнинг меҳрига сазовор бўлганимни ўйлаб севинаман, шу нарса мени яшашга, янада кўпроқ ишлашга ундайди. Жуда-жуда бахтли аёлман. Биз кекса санъаткорларни янада улуғлик тахтига кўтараётган бугунги ҳур, озод кунларимизнинг ҳар лаҳзасига шукроналар айтаман.

## «Куй билан нафас олинг...»

— Қўшиқ кирган кўнгил қаримайди, қўшиқ кирган хонадондан қувонч аримайди, қўшиқ билан нафас олинг, шунда яшаш завқли бўлади, — дейди Коммуна Исмоилова суҳбат давомида.

Мен сўзлашувимиз ниҳоясида опадан битта қўшиқ айтиб беришини сўрадим. Столни бармоқлари билан чертиб, оҳиста куйлай бошладилар:

***Тоғлара қор тушубди,***
***Кўнглума ёр тушубди,***
***Ёра бичилган кўйлакни***
***Ёқасина доғ тушубди.***
***Ёр мени қўйдинг балога,***
***Ўзингни қўйдинг панога,***
***Айт, надир мени гунойим?!***

Куй авж пардага етади. Шифт томон ўрлаб, қанот боғлайди. Сўнг тор хонанинг деразалари оша ташқарига учади. Ҳавога сингади. Энди юраклар ҳаво билан эмас, қўшиқ билан нафас олади. Санъаткорнинг ўзи ҳам қўшиқдай майин, қўшиқдай қудратли бўлиб кўринади менга. Қўшиқ эса абадийдир. У доимо қалбларни нурга тўлдириб, ҳаётга жўшқинлик беради, умрларни боқий қилади.

Бир умр қўшиқ айтиб Ватанини севган Коммунахоним ижодига, ҳаётига ҳавас қилсак арзийди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.**

15 август — Ҳиндистон мустақиллиги куни

# ТОЖ МАҲАЛ — МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ РАМЗИ

***Ҳиндистон ўзининг табиати, ҳайвонот олами-ю тарихий обидалари билан ҳамиша сайёҳларни ҳайратда қолдириб келган. Бу мамлакатда биринчи бор бобурийлар сулоласи ҳукмронлигида оқ мармардан тикланган ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тарихий ёдгорликларнинг энг гўзали Тож Маҳал мақбарасидир. У Агра шаҳридан икки километр нарида Жамна дарёси бўйида қад кўтарган.***

Тож Маҳал мақбарасининг қурилиш тарихи шундай: XVII асрнинг бошларида Шимолий Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳон ҳукмронлик қиларди. Унинг севимли хотини Аржуманд Бону (Мумтоз Маҳал) бўлиб, малика ниҳоятда камтар, эрига вафодор ва содиқ эди. Ўткир ақл-идрок соҳибаси бўлмиш Аржуманд Бону ўзининг тадбиркорлиги, нозик табиати, иффати ва тенги йўқ ҳусни билан сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонди. Шунингдек, у саройда шоҳ маслаҳатчиси ва муҳрдорлик лавозимларини эгаллаган. Ҳатто ҳарбий сафарларда эрига ҳамроҳлик қилган.

Мумтоз Маҳал бегим 1631 йили навбатдаги сафарлардан бирида Бурҳонпур шаҳрида ўн тўртинчи фарзандини туғиш чоғида 38 ёшида вафот этади. У ўлими олдидан эри Шоҳ Жаҳондан фарзандларига меҳрибон бўлишни, бошқа уйланмасликни ва ниҳоят унга атаб дунёда тенги йўқ ҳашаматли бир мақбара бунёд эттиришни илтимос қилади.

Шоҳ Жаҳон севимли маликасининг васиятларини бажаради. Вафодор рафиқасининг номини абадийлаштириш мақсадида унга атаб ялтироқ оқ мармардан мақбара қурдиради. Мақбарага Мумтоз Маҳалнинг бошига қўйилган тож рамзи сифатида "Тож Маҳал" деб ном беради.

Шундай қилиб, мақбара истеъдодли турк меъмори устод Муҳаммад Исохон афанди лойиҳаси ва бошчилигида 1632-1650 йиллар давомида бунёд этилади.

Тож Маҳал мақбараси қурилишига Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Ироқ, Арабистон ва Ҳиндистондан, ҳатто Европадан атоқли меъморлар таклиф этилган. Самарқандлик таниқли меъмор Муҳаммад Шариф эса бош меъмор Исохон афандининг ёрдамчиси бўлган. Бухоролик ҳайкалтарош Ота Муҳаммад эса мақбара гумбази чўққисига жуда мураккаб бўлган найзани ўрнатишда қатнашган. Шунингдек, Ота Муҳаммад қурилган иншоотнинг моҳир ҳайкалтароши бўлиб хизмат қилган. Шоҳ Жаҳон мақбара қурилишига бевосита ўзи раҳбарлик қилган. Мақбара қурилиши кенг кўламда бошланиб, қурилиш ашёлари мамлакатнинг турли бурчакларидан Агра шаҳрига келтирилган. Шунингдек, Бағдоддан ҳақиқ, Бадахшондан ёқут, Нилдан гранит, Россиядан зумрад, Ҳинд океанидан марварид, Тибетдан феруза, Цейлондан садаф келтирилган. Ушбу қимматбаҳо тошлар қабртош ва мақбара деворларининг безагига ишлатилган

Бу улкан ва бетакрор нақшларга безанган мақбарани бунёд этишда 20 мингга яқин қурувчилар қатнашган. Гўзал мақбара катта бир боғнинг ичида жойлашган. Унинг уч томони баланд қизил девор билан ўралган, бир томони эса Жамна дарёсига бориб тақалади. Бу улкан, ажойиб меъморчилик обидасининг тўрт томонида бинолар қурилган. Мақбара билан бинолар орасида хиёбонлар



барпо этилган. Уларга манзарали дарахтлар, гуллар экилган. Шамшод дарахтлари ва турли-туман гуллар, нилуфарлар билан ўралган хиёбонлар жозибали фавворалар ҳамда тилларанг балиқчалар сузиб юрган ҳовуз бўйлаб мармар майдонга олиб чиқади. Улкан ва салобатли мақбара шу майдонда савлат тўкиб турибди.

Мақбара устига битта катта ва тўрт томонига тўртта кичик гумбаз қурилган. Мақбаранинг тўрт томонида эса гўё уни қўриқлаб тургандек баланд миноралар кўкка бўй чўзган. Жимжима нақшлар ўйиб ишланган мармар эшикдан ичкарига — мақбарага кирилади. Саккиз бурчакли катта зал, унинг ўртасида Мумтоз Маҳалнинг сағанаси, чап томонида Шоҳ Жаҳоннинг қабри жойлашган. Ҳар иккала сағананинг нақш безаклари бир-бирига ўхшаш. Мумтоз Маҳал қабрига қўйилган сағана яхлит Цейлон қора мармаридан ишланган. Сағана тошининг гир айланасида 64 туп нилуфар гули нақшланган. Бундан ташқари, баҳор элчиси лола тасвири ҳам моҳирлик билан ўйиб ишланган. Ҳар бир лолага 32 донадан садаф, ёқут, зумрад, фил суяги, марварид ва бошқа қимматбаҳо тошлар қадалган. Шоҳ Жаҳон сағанаси ҳам нақшли гуллар солинган қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Бир замонлар бу сағанани жаҳонда энг катта — 117 каратли "Кўҳи нур" деб номланган яшил олмос безаб турган. Маълум сабабларга кўра, у Англияга ўтиб қолган. Бу олмоснинг бир бўлаги ҳозирда инглиз қироличасининг тожини безаб турибди, бир бўлаги эса Британия музейида сақланади.

Қуёш уфққа ёнбошлаган пайтда Тож Маҳал ажиб товланади. Оқ мармар қуёш ёғдусида пушти рангда жилоланади. Мақбара тунда ҳам шундай гўзал ва ажиб. Тарихчилар, меъморлар ва санъаткорлар Тож Маҳал мақбарасини бобурийлар яратган барча обидаларнинг чинакам тожи деб атайдилар. Тож Маҳал мақбараси Истанбулдаги Аё-София жомеси, Афинадаги Парфенон, Миср эҳромлари, Парижнинг машҳур бутхоналари, Бирманинг олтин ибодатхоналаридан ҳам гўзалдир. У ажойиб жонли ҳайкалдир. Кундузи офтоб нурида силлиқ мармар ялтираб, товланиб кўзни қамаштиради, гўё мақбаранинг ўзи нур сочаётгандай бўлиб туюлади кишининг назарида. Бугунги кунда Тож Маҳал жаҳон мўъжизаларидан бири сифатида тан олинган.

Тож Маҳал мақбараси Ҳиндистонда шу қадар машҳурки, унинг тасвирини сиз ҳамма ерда учратасиз. Машина деразаларида, дўконлар, масжидлар, сартарошхоналарда унинг сурати осиб қўйилган. Ҳиндистон гиламлари, лаган ва пиёлаларига мақбаранинг гўзал қиёфаси туширилган. Мақбаранинг мармар ва фил суягидан, садафдан, гипсдан жажжигина қилиб ясалган шакли ҳамма ерда сотилади. Ҳар йили бу ерга дунёнинг турли бурчакларидан юз минглаб сайёҳлар келишади. Улар мамлакатнинг улуғвор ёдгорлигига таъзим қиладилар.

Шарқ, шу жумладан, ўзбек усталарининг санъатига, бунёдкорлик ижодига қойил қоладилар. Тож Маҳални кўрган ва гўзаллигидан ҳайратда қолган кишилар уни "тошдаги достон", "мармарга битилган орзу", "севги ҳайкали" деб таъриф этишади.

Ҳа, неча асрлар ўтди, лекин Тож Маҳал ўзининг гўзаллиги, муҳташамлиги, бетакрор нақш ва гулларининг нодирлиги билан ҳамон кишиларни ҳайратда қолдириб келмоқда. Кимки бу ерга қадам қўйса, афсонавий ноёб обидани, яъни инсон ақл-заковатининг тенгсиз мўъжизасини бир кўрмасдан ортга қайтмайди.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалда

# КОСОНСОЙДА ШУНДАЙ КОЛЛЕЖ БОР

## у янги соҳалар учун мутахассислар тайёрлайди



Бугун Косонсой кўпчиликнинг гавжум гўшасига айланган. Асли табиатан шундай гўзал қилиб яратилган бу дилбар маскандан юртдошларимизнинг қадами узилмайди. Бунинг боиси нимада, дерсиз? Айтишларича, Косонсойнинг бетакрор табиати-ю хушҳавосидан бир бор баҳраманд бўлган одам бир умр унга боғланиб қоларкан. Тошдан тошга урилиб, ҳайқириб оқаётган сойларидаги зилол сувларга юзини чайиб, теварак-атрофни яна ҳайрат билан кузатишни қўмсаб юраркан. Меҳридарё, мард ва танти одамлари билан дилдан суҳбат қуриб, кўнглини ёзгиси келаркан. Бетакрор манзараларидан кўз узолмай, юртимизга ато этилган шундай ажиб гўша учун Яратганга шукроналар айлашни кўнглидан ўтказаркан. Ҳосилга тўла дала-боғларини, ёлғизоёқ сўқмоқларини сайр этиб, асло тўймаскан. Юлдузга тўла осмонига боқиб, яхши ниятларни дилига жо айларкан.

Ҳа, Косонсой кўпчиликни мафтун этган, одамларга хушкайфият ва соғлик бахш айлаётган шундай севимли гўша, не-не улуғ инсонларнинг киндик қони тўкилган муқаддас макон. Келиб-кетувчиларни бу файзли маскан билан боғловчи яна бир муҳим омил бор. Ҳозир туманда бир нечта касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Ўз фарзандлари камолга етаётган бу илм даргоҳлари билан ота-оналар яқин алоқа ўрнатишган. Улар ўғил-қизларининг ўқишидан тез-тез хабар олишиб, устоз-мураббийлар билан учрашиб туришади. Ўқув юртларидаги очиқ дарслар ва қизиқарли тадбирларда қатнашишади. Фарзандлари тақдирига, келажагига бўлган масъуллик уларни ҳар доим Косонсойга ундайверади.

Косонсой педагогика ва сервис коллежи Наманган вилоятидаги кўзга кўринган, энг яхши, намунали ўқув юртларининг бири ҳисобланади. Мутасаддилар тавсияси билан бу даргоҳда бўлиб, жамоа эришаётган ютуқлар, амалга оширилаётган янгиликлар билан танишдик. Янги йўналишлар бўйича бу йилдан бошлаб мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилганлигидан қувондик. Кўпчиликка маълумки, сервис хизматини ривожлантиришга бугун катта эҳтиёж сезилмоқда. У орқали юртимизнинг бой имкониятларини юзага чиқариш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Уни чуқур англаган жамоа ҳаётида бу йил муҳим воқеа рўй берди. Сервис хизмати кўрсатишга йўналтирилган янги йўналишдаги мутахассисларни тайёрлашга киришилди. Шу янгилик боис, илгари енгил саноат касб-ҳунар коллежи бўлган ўқув даргоҳининг номи ўзгартирилиб, Косонсой педагогика ва сервис касб-ҳунар коллежига айлантирилди.

Янгиликнинг аҳамияти беқиёс. Энди меҳмоннавоз косонсойликлар учун тикувчилик буюмлари, модельер-конструкторлари муаммо бўлмайди. Якка буюртмалар бўйича иш олиб борувчи тикувчилар кўпаяди. Пойафзал тикиш, таъмирлаш ишларининг сифати ортади. Компьютер ва офис жиҳозларига хизмат кўрсатувчи техниклар шаклланади. Бу соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлашга киришган жамоанинг орзулари юзага чиқади. Яқин истиқболда Косонсой сервис хизмати ривожланган мамалакатимиздаги энг яхши туманларнинг бирига айланишига шубҳа йўқ. Бу ерда етишиб чиққан кадрлар соҳанинг истиқболига хизмат қилади. Бундан ташқари, ўқув даргоҳида бошланғич таълим, мактаб ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналишлари бўйича ҳам мутахассислар тайёрланмоқда. Улар бугунги кунда ёш авлоднинг камоли учун сидқидилдан хизмат қилишаяпти. Ўз навбатида бошланғич синф ўқитувчилари мутахассислигини эгаллаётган ёшларга тикувчилик,



тўқувчилик, каштачилик, пазандачилик, тасвирий санъат, компьютер саводхонлиги касблари қўшимча равишда ўргатилмоқда.

Кўпчилик косонсойликлар жамоанинг бугунги муваффақиятларида Икромжон Ангуровнинг алоҳида ҳиссаси борлигини эътироф этишади. Дарҳақиқат, ишчан раҳбар ўқув даргоҳининг истиқболи учун устоз-мураббийлар билан ҳамжиҳатликда самарали меҳнат қилмоқда. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини битириб, 1981 йилда шу даргоҳда ўқув амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ўз фаолиятини бошлаган ёш мутахассис катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ўзининг дил меҳри, қалб қўрини ишга бағишлади. Унинг 1987 йилдан буён ўзи камол топган жамоани бошқариб келаётганлигини эътироф этадиган бўлсак, ўқитувчи-мураббийлар ўртасида Икромжон аканинг қанчалик катта обрў-эътиборга эга эканлиги равшанлашади. Ўз навбатида директор эришаётган ютуқларини жамоаники деб билади. Улар билан баҳамжиҳат изланади. Шунинг учун ҳам аҳиллик ва ҳамжиҳатлик қарор топган бу ўқув даргоҳидан файз-барака аримайди.

Коллежга киришингиз биланоқ, дов-дарахтлари-ю турфа гуллари билан яшнаб турган ҳовлига кўз югуртириб, баҳридилингиз очилади. Ҳамма нарсанинг ўз ўрнида дид билан жойлашганидан қувонасиз, меҳрингиз ошади. Кўнглингиздан, коллеж бўлса шунчалар бўлар-да, каби фикрлар кечади. Уни шу даражага етказиш учун озмунча куч-ғайрат сарфланганми? Икромжон Ангуров коллежга директорлик қилаётганидан буён Косонсойдаги учта ўқув даргоҳининг раҳбари шу жамоадан етишиб чиқди, яъни Иминжон Муродов технология-иқтисодиёт коллежини, Муҳаммадюсуф Исоқов транспорт ва алоқа коллежини, Наманган вилоят кенгаши депутати Мўътабархон Раҳимова эса қурилиш ва коммунал хўжалик коллежини моҳирона бошқармоқда. Яна бир малакали мутахассис — Зоитхон Собитуллаев эндиликда Косонсой педагогика коллежида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб меҳнат қиляпти. Бу ҳам албатта, жамоадаги аҳиллик ва ҳамжиҳатликнинг самараси туфайли. Уларнинг ҳар бири ўзини шу даражага етказган жамоага раҳматлар айтишмоқда.



Яна бир гап: Икромжон Ангуров касб-корининг орқасидан дунё кўрди. 1995 йили немис халқаро ривожлантириш фондининг таклифи билан Германияда ўтказилган бир ойлик семинарда иштирок этди. 2001 йили эса Жанубий Корея республикасига мамлакат таълим департаментининг таклифи билан қатор коллежларнинг раҳбарлари қаторида малака оширишга борди. Улардаги ҳаётни кўриб юртимизга бўлган меҳри янада ортди. Соҳалар бўйича қатор янгиликларни ўз фаолиятига татбиқ этди. Жумладан, коллеж шу йилнинг ўзида ишлаб чиқариш ва пуллик хизмат кўрсатишнинг ўзидан 19 миллион сўм даромад қилди. Ҳозир Наманган вилоятидаги коллежларда тайёрланган маҳсулотларнинг 50 фоизи шу ўқув даргоҳининг ҳиссасига тўғри келмоқда. Бошқачасига айтганда, жамоа ўзининг катта имкониятларини намоён этмоқда. Таълимдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш орқали кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга оширишга эришаяпти.

— Ёшлар йўли нурафшон, — дейди Икромжон Ангуров. — Бугунги кунда уларнинг эртанги камоли учун хизмат қилаётганлигимиздан бахтиёрмиз. Юртбошимиз "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт", — дея айни ҳақиқатни айтганлар. Бугунги ёшлар ана шу талабларга жавоб беради. Ватанга меҳр-муҳаббат билан яшаяпти, ўқияпти, касб-ҳунар эгалламоқда. Ўз келажагига ёшлигиданоқ мустаҳкам замин ҳозирлаяпти. Бундан қувонмай бўладими, ахир.

Коллежимизда ўғил-қизларнинг малакали мутахассис бўлишлари учун барча шароитлар яратилган. Жанубий Корея кредити асосида ташкил қилинган ўқув биномизда иккита компьютер хонаси, инглиз ва рус тили лингофон хоналари, кимё-биология, математика, физика, чизмачилик ва махсус фанларга ихтисослашган хоналар, тикувчилик ва пойафзал тикиш устахоналари ёшларимизни касб оламига чуқурроқ кириб боришларига ёрдам бермоқда.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор кучайтириляпти. Спорт ва оғир атлетика зали билан биргаликда футбол, қўл тўпи, волейбол майдончалари, гимнастика шаҳарчаси, югуриш йўлаги ёшларимизни жисмонан чиниқтиришда катта самара бермоқда.

Бу йил коллежни 600 нафарга яқин ўқувчи битирди. Улар тумандаги корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномага мувофиқ ишга жойлаштирилди. Эндиликда эса жамоа янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Изланганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган. Буни жамоанинг бугунги жўшқин фаолияти кўрсатиб турибди. Илм кошонасида етишиб чиқаётган ёшлар элу юртимизга сидқидилдан хизмат қилишиб, косонсойликларнинг фахрига айланишмоқда.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ.** ®

# ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН АВЛОД КАМ БЎЛМАЙДИ

*Шофиркон маиший хизмат касб-ҳунар коллежида бунга амин бўлдик.*

***Шофиркон туманида бўлганимизда, бу ерда кейинги йилларда юз берган беқиёс ўзгаришлар билан ҳам танишдик. Мактабни тамомлаётган шофирконлик ёшларнинг кўпчилиги тумандаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежида ўқишни истаётганлари бизни қизиқтирди. Сабабини суриштирсак, ўқув маскани жамоаси яқин ҳудуддаги кўпгина корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган экан. Битирувчилар орасида бўлажак ҳайдовчилар, тикувчи ва ошпазлар, компьютер операторлари, телерадио усталари, АЁҚШларда ишловчи мутахассислар, нефть маҳсулотлари лаборантлари ва газ таъминоти тизими усталари ҳам борлигини билдик.***

Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши, деган мақол бор. Коллежда бўлган кунимиз бу гапнинг бекорга айтилмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўқув маскани ҳовлисига кириб борар эканмиз, аввало орасталик, саранжом-саришталик, тартиб-интизом эътиборимизни тортди. Табиийки, бу ишларни жамоанинг аҳиллиги самараси дея баҳоладик. Янглишмаган эканмиз. Ўқитувчи-мураббийлар, талабалар билан суҳбатлашиб, коллежда келажаги порлоқ ёшлар таҳсил олаётганларининг гувоҳи бўлдик.

Коллеж директори Искандар Худойбердиевдан педагогик жамоанинг янги ўқув йилига тайёргарлиги, мақсад ва режалари, консультатив марказ фаолияти ҳақида сўрадик.

— Истиқлол йилларида ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида кўпгина ўзгаришлар юз берди, — деб гап бошлади суҳбатдошимиз. — Юзлаб лицей ва коллежлар очилди. Бу эса келажагимиз эгалари бўлган ёшлар ҳаётида ҳам ўзгаришлар ясади. Қанчадан-қанча ёшлар касб-ҳунарли бўлиб, билимларини амалиётда мустаҳкамлаб, мустақил иш бошлаб, фойдали меҳнат билан шуғулланишаётир. Бу эса уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний баркамол бўлиб етишишларида муҳим омил бўлмоқда. Ҳар бир ўғил-қизнинг мустақил ҳаёт йўлини танлашида коллеждаги сабоқ олиш муҳим босқич ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мактабни тугатган аксарият ёшлар коллежга ўқишга кирмоқда. Ўқув масканимиз ҳам шундай маърифат ўчоқларидан биридир. Бугунги кунда мутахассис тайёрлаш билан фақатгина муҳандис-педагоглар ёки усталар шуғулланишмайди. Бу ишга бошқа соҳада фаолият юритадиган тажрибали кишиларни ҳам жалб этганмиз.

Амалий жараёнлар қанчалик чуқур берилса, ёш авлоднинг касб малакаси шунча ошади. Маҳалла қўмиталари, ота-оналар кенгаши, ҳомийлар ва бошқа кўпгина жамоат ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда ишлашимиз яхши самара бераётир. Ёшларнинг билим-савиясини ошириб бориш, уларнинг тарбиявий ҳолатига эътибор, тартиб-интизом масаласи доимий назоратимизда. Энг муҳими, ташкилотчи, жонкуяр кадрларимиз талабаларнинг қизиқишлари, иқтидорларига қараб иш режасини тузиб олишган. Қабул комиссияси ишини ташкил қилишда консультатив марказ фаолияти муҳим ўрин тутади. Марказга бириктирилган масъул кишиларнинг таклифлари билан абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун керакли маълумотлар, кўргазмали қуроллар ҳам тайёрладик. Бир сўз билан айтганда, ўтган йили ўқишни тамомлаган биринчи қалдирғочларимизнинг ишга жойлашуви, олий ўқув юртларига ўқишга кириб, мустақил ҳаётга ёркин нигоҳ билан боқишларидан англадимки, коллежда таҳсил олиш ҳар бир ёшнинг келажаги учун жуда зарур экан.

Ўқув юртига Польша давлати лойиҳаси асосида кредит жалб қилиниши натижасида кўпгина замонавий ўқув-техника асбоб-ускуналари, зарур жиҳозлар келтирилди. Айниқса, ўқув устахонаси ва ошхонасининг ташкил этилиши қувончли воқеа бўлди. Бу ёшларнинг ўз мутахассисликлари бўйича пухта билим олишларида қўл келмоқда. Ўқитувчилар ва талабаларнинг фаолияти рейтинг асосида таҳлил қилиб борилади. Коллежда юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз замонавий технологиялар билан жиҳозланган 32 та ўқув хонаси, лабораториялар, лингофон, компьютер синфлари билан танишдик. Бундан ташқари, тикувчилик цехи, спорт зали, ошхона, зарур қулайликларга эга талабалар турар жойини айландик. Илғор педагогик технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи-мураббийларнинг янги иш услублари билан ҳам танишдик.

Ўз фаолиятидан мамнун устозлар, танлаган касбига чексиз меҳр ва иштиёқ билан қараётган, амалиётда тажрибасини ошириб бораётган ёшлар билан хайрлашар эканмиз, уларнинг эзгу мақсад ва режалари амалга ошишига тилак билдирдик. Ахир, жамоанинг эртанги кундан умидлари бир олам. Машойихлар айтганидек, эртасини ўйлаган авлод кам бўлмайди.

**Бахтиёр ТЕМУР,**
**«Миллий тикланиш» мухбири.** ®

Табиат ва биз

***Табиатда малҳам кўп. Оддийгина гиёҳ ҳам инсон саломатлиги учун нақадар фойдали бўлиши мумкин. Яшил ўрмонлар юртимиз иқтисодини юксалтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.***

***Қадимдан қолган ҳикматлар бор: "Бир дарахтни кессанг, иккита кўчат ўтқаз", "Яхшидан боғ қолади..." Бинобарин, бугун биз Зоминда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритамиз.***

# «ЗОМИН — ЎЗБЕКИСТОН ШВЕЙЦАРИЯСИ»

Зомин ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 38 минг 193 гектарни ташкил этади. Ўрмон билан қопланган майдон 15 минг 430 гектар бўлиб, шундан қўл меҳнати билан яратилгани 2174 гектардан иборатдир. Ҳар йили ўрмончилар томонидан 110 гектар ўрмонзорлар барпо қилинмоқда. Уларнинг 30 гектарига кўчат экилса, қолган 80 гектарига уруғ қадалади.

Зоминнинг юқори тоғ қисми асосан арчазор билан қопланган. Бу ерда Зарафшон, савр арчаси ўсади. Уларнинг ҳиди жуда хушбўй, шифобахш. Таомга қўшиб истеъмол қилса ҳам бўлади, инсоннинг иштаҳасини очади, қувват бағишлайди.

Пастки майдонларда, сойлар атрофида қайрағоч, тол, терак, бодом, юнон ёнғоғи ҳамда писта, олма, наъматак, шумтол каби дарахтлар ўстирилмоқда.

— Хўжалигимизда ишлаб чиқариш бўлими мавжуд. 5 гектар майдонда бир миллион донага яқин мевали ва манзарали кўчатларни парвариш қиламиз. Улар орасида "Каштан канский", дуб, Қрим соснаси, Элдор соснаси каби ноёб кўчатлар бебаҳо хазина ҳисобланади. Зоминлик шоир Оға Бургутли қаламга олган Чавкар тоғ, Етти кечув арчалари, Ўриклисою супа арчазорлари тоғларимизнинг бебаҳо кўркидир, — дейди ўрмон хўжалиги директори Ўрол Оққулов.

Дарҳақиқат, ҳаво мўътадиллиги, намлик сақланиши, эрозия каби табиий шарт-шароитлар бевосита арчазорлар билан боғлиқ. Ҳар мавсумда, яъни эрта кўкламда хўжаликда биргина арчанинг ўзидан 3-5 миллион сўм атрофида даромад олинади.

Йўл бўйларига экиладиган "Вергин арчаси", "Мажавелник", "Шарқ туяси" кўчатларидан 40 см. дан 2-2,5 метрларгача ўстирилиб, парвариш қилинмоқда.

Зомин миллий боғи ёнма-ён жойлашган қўриқхона билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Боғда тез ўсувчи дарахт турлари кўпайтирилмоқда. Кўчат уруғларини чуқурликка ташлаб, 200 кундан кейин экилади. Экилган уруғлар эса 1 йилдан сўнг натижа бера бошлайди. Яъни кўкка бўй чўзади. Ердан унган миттигина уруғ йиллар ўтиб, улкан дарахтга айланади.

Тоғ шароитида арча бир йилда бор-йўғи 8-10 см. ўсади. Кўчатни ёпиқ илдизли системада ривожлантириш ниҳоятда мураккаб жараён. Униб бўлган кўчатларни тоғ ёки қиру адирларга чуқур ясаб, 1 метр узунликда экилади.



— Жаннатмакон юртимиз табиатини асраб-авайлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ривожлантириш барчага дахлдор вазифадир.

Зомин миллий боғи тасарруфидаги майдон 24 минг гектардан зиёд. Ўрмон билан қопланган ҳудуд эса 140 гектардан иборат. Табиат боғида 700 та ўсимлик тури бўлиб, улардан кам учрайдиганлари 13 та, қушлар тури 104 та, "Қизил китоб"-га кирган ҳайвонлар тури — айиқ, "оқ бошли айиқ"лар сони 30-40 дона. Тоғ эчкиси, қор қоплони, сариқ ва кўк рангли бўри, ёввойи чўчқа, бўрсиқ, жайра, тулки, қушлардан — қора лайлак, бургутлар сони эса 100 дан ортиқ.

Ўсимлик дунёси ҳам жуда бой! Шифобахш, доривор гиёҳлардан ташкил топган кийик ўти, чой ўти, ўлмас ўти, "золотой корен" — олтин томир, хўшбўй зира, тоғ райҳони, мўмиё каби табиий неъматлар инсонлар саломатлиги учун кони фойда. Ўзга диёрларда бундай доривор гиёҳларни топиб бўлмайди, — дейди соғлиқни сақлаш аълочиси Ўрозбоқ Убайдуллаев.

Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармасининг Сирдарё, Самарқанд, Жиззах вилоятлари ўрмон хўжаликлари раҳбарлари, бош ўрмончиларининг Зоминда амалий-ўқув семинари бўлиб ўтди.

— Бу ерда дам олишни режа асосида ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигига қатъий риоя қилиш лозим, — дейди Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мурод Ғаниев. — Қўшимча дам олиш уйларини ташкил этмоқ зарурати бор. Шунингдек, йўлларни таъмирлаб, ҳаракат хавфсизлиги хизматини йўлга қўйиш ҳамда халқаро сайёҳлик базаларини барпо этиш вақти деб ўйлайман. Самарқанд, Бухоро, Хива қадимий обидалари билан машҳур бўлса, сўлим Зомин ўзининг пурвиқор тоғлари, сўлим табиати, ҳавоси, зилолдек тиниқ булоқлари-ю шифобахш гиёҳлари билан машҳур. Австралиялик олим, профессор Хиткокнинг: «Мен Швейцария жаҳонда ягона деб ўйлар эдим, янглишибман. Марказий Осиёнинг ҳам Зоминдек иккинчи Швейцарияси бор экан», — деган сўзлари бежиз эмас.

**Норкул МАМИРОВ,**
**журналист.**

Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

# УМРИ БОҚИЙ АСАРЛАР

Ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат, садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Адиб яратган бадиий асарлари, публицистик мақолалари, адабий ва илмий анжуманлардаги чиқишлари билан ўқувчилар қалбида чексиз муҳаббат уйғота олган. У драматургия ва бадиий таржима соҳасида ҳам устоз саналади. Устоз мероси ўзбек адабиёти хазинасининг энг қимматбаҳо дурдоналари ҳисобланади.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан адибнинг «Танланган асарлар»и ва Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» номли хотира китобларини нашрдан чиқарди.

Адибнинг «Танланган асарлар»ида турли йилларда ёзилган ҳикоялари, хотиралари ва адабий-танқидий мақолалари жамланган. Уларни филология фанлари доктори, профессор Наим Каримов тўплаб, нашрга тайёрлаган. Кибриё Қаҳҳорованинг хотиралар тўпламида эса адибнинг китобхонларга номаълум бўлган томонлари ёритиб берилган. Муаллиф унинг асарларидаги ҳаётий саҳифалар тўғрисида адиб билан ёнма-ён яшаб кўрганбилганларини ёзади. Китобда бундан ташқари, ёзувчининг ажойиб инсоний фазилатлари, бугунги ёшларимиз учун ибратли жиҳатлари ҳам самимий, содда ва равон тилда берилган. Бир сўз билан айтганда, ҳар икки китоб адабиёт мухлислари учун муносиб туҳфадир.

**Назира ЖЎРАЕВА.**

Мозий тилга кирганда

# ЭЛЛИКҚАЛЪАДА ЯНГИ АРХЕОЛОГИК ТОПИЛМА




Шулардан бири — мазкур республиканинг жанубида жойлашган Элликқалъа тумани тарихий обидаларга энг бой маскан ҳисобланади. Мана, 70 йилдан ортиқ вақт ўтибдики, бу ерда қадимшунос олимларимиз ҳамон илмий-тадқиқот ишларини давом эттиришаётир. Ушбу ҳудуддаги Катта Гулдурсунқалъа (эр.-ав. IV-III, эр. IX-XIII асрлар), Свентепа (III-IV асрлар), Тупроққалъа (I-VI асрлар), Аёзқалъа-2 ва Беркутқалъа (VII-VIII асрлар) сингари тарихий ёдгорликлар қаторида бугунги кунда ҳам фанга номаълум бўлган янги-янги археологик иншоот ва топилмалар синчковлик билан ўрганилаётир.

Шуни таъкидлаш жоизки, аҳолининг аксарият қисми юрт тарихини, халқ ўтмишини сидқидилдан ўрганишга астойдил интилишяпти. Уларда Ватанга меҳру муҳаббат жўш уриб турганлиги яққол сезилмоқда. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли очилган Тупроққалъа-2, Тупроққалъа-3 каби археологик ёдгорликлар қадимшунослар эътиборини жалб этди. Айниқса, Тупроққалъадаги IX-XI асрларга оид 160 дона жездан ясалган тангалар сақланаётган хумнинг топилиши нумизматика (тангашунослик) билан шуғулланувчиларнинг диққатини тортди. Энг муҳими, тангалар ҳозир олимлар томонидан ўрганилмоқда. Шунингдек, бу ерда бир неча хумлардан иборат остадонлар чиқдики, унда аждодларимизнинг қадимда дафн маросимлари қандай бўлганлигини аниқлаш мумкин.

Яқинда Бўстон шаҳри чеккасидаги Йўлдош Қурбонов кўчасининг Матназар Қодировга тегишли ҳовли ҳудудидан ҳажми улкан идиш-хумлар топилди. У ўз ерида ҳандақ қазиётган эди. Ҳар бир хумда нозик ва ихчам миниатюрали идишлар ҳамда йирик ҳайвонларнинг суяклари бор экан. Дарҳол топилма жойида Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими археологлари, туман тарих музейи ходимлари, шунингдек, Элликқалъа мудофаа бўлими ва ҳокимлик вакиллари илмий-изланиш ишларини бошлаб юборди.

Идиш-хумлар эрамиздан аввалги IV-V асрларга оид антиқа ёдгорликлари бўлиб чиқди. Эҳтимол, бу ер қадимда қишлоқ бойларининг бирига тегишли хўжалик саройи бўлгандир. Афсуски, археологик қазишма ишларини поёнига етказишнинг иложи йўқ. Негаки, бу ҳудудда турар-жой бинолари кўп. Шунингдек, серқатнов йўл ҳам айнан шу ердан ўтган.

Ҳозирги Бўстон шаҳрининг ўрнида ўрта асрларда қадимги Қаватқалин маданияти маркази бўлган. Бу ердан Гавҳари каналининг суғориш тармоғи ўтган. Воҳадаги энг йирик ёдгорлик ҳисобланган Қаватқалин қўрғонининг харобалари шаҳарнинг шимолий-шарқий қисмида жойлашган.



Археолог С. П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм экспедицияси иш олиб борган чоғида бу ерлар яхши ўрганилган эди. Ўшанда қудратли Хоразмшоҳлар давридан ўрта аср маданиятини ўзида акс эттирган юздан ортиқ қишлоқ манзиллари аниқланганди. Олимлар шу жойда аввалари мустаҳкам деворларга эга шаҳар истеҳкомлари мавжуд бўлганлигини тахмин қилишганди. Аммо кейинги топилган далиллар бошқа хулосани илгари сурди: майда феодал қўрғонларига қараганда бу ерда жуда катта қаср барпо этилган ва ҳукмдор тегишли ҳудудни шу саройда туриб бошқарган.

Ҳукмдор қабулхонаси биносининг ташқи кўриниши ўша давр анъанавий меъморий услубини сақлаб қолган. Деворлар юпқа ва нозик безаклар билан жилолантирилган. Қаср бурчакларида юксак миноралар деворларга туташиб кетган. Улардаги нақшлар уйғунлиги ўзгача чирой бахш этиб турибди. Шунга монанд ички иншоотларнинг қурилиши ҳам ўз гўзаллиги билан қаср салобатини оширган. Унинг атрофини эса унчалик баланд бўлмаган ер эгалари ва деҳқонларнинг тупроқ деворлари ўраб турган. Мавзелар ҳамда қасрда каптархоналарнинг мавжудлиги ўша даврнинг (XII-XIII асрлар) ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Деворлар ички кўринишининг кўп туйнукли эканлиги ҳам эътиборни тортади. Қаватқалин манзилгоҳидаги архитектура иншоотлари шуни кўрсатиб турибдики, гарчи булар Яқин ва Ўрта Шарқ меъморчилигига ўхшаб кетса-да, туйнуклар шунчаки безак ёки ҳашамдорлик учун қилинган, холос. Бунга каптархоналарнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин қутлуғ айёмларни, муҳим аҳамиятга эга бўлган тадбирларни бу ерда ўтказиш расм бўлган.

Ёзма манбаларнинг хабар беришича, хусусан XIV асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Батутанинг фикрича, мазкур туйнукларни металл ва шиша билан безаш сарой кўркини янада оширган.

Қаватқалин ва бошқа сарой бинолари харобалари археологлар томонидан ўрганилганда, шундай ашёлар топилдики, ундан ўша даврнинг маданий даражасини аниқлаб олиш мумкин.

Қаватқалин ҳаёти мўғуллар босқини натижасида таназзулга юз тутган. Унинг якуни фожиали бўлган. Беаёв ёнғин остида қолиб, сўнг шафқатсиз таланган шаҳар харобага айланган. Ашёвий далиллар шуни кўрсатаяптики, Қаватқалин вайронаси тагида янаям қадимги замонларга тегишли иншоотлар мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги Бўстон шаҳрининг ёши икки ярим минг йилликни қамраб олади. Буни билиш жуда ҳам муҳим деб ҳисоблаймиз. Негаки, ўсиб-улғаяётган навқирон авлод аждодлари томонидан қолдирилган бой меросни англаб олишлари зарур ва уларни келажак наслларга кўз қорачиғидек асраб, етказишлари шарт. Зеро, Ватаннинг ўтмиши ҳам, эртаси ҳам ўзимизникидир!

**Г. ХЎЖАНИЁЗОВ,**
**А. ИСКАНДАРОВА,**
**Ш. АМИРОВ,**
**А. АБИНИЁЗОВ,**
**Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими Тарих, археология ва этнография институти археология бўлими илмий ходимлари.**




## Музокаралар бошланди

Жанубий Корея ҳукумати "Толибон" ҳаракати асирлигидан озод этилган икки аёлни ўз мамлакатига олиб келиш учун Афғонистон раҳбарияти ва АҚШ ҳарбийлари билан музокараларни бошлаб юборди.

Бундан аввал Толиблар Жанубий кореялик икки фуқарони қатл этганди. Улар томонидан қўйилаётган талаб Афғонистон ҳудудидан Жанубий Корея ҳарбий контингентини олиб чиқиб кетишдир.

Айни пайтда жангарилар қўлида 19 нафар Жанубий Корея фуқароси бор.

## Жиноий иш қўзғатилди



Душанба куни Москва вақти билан 21:38 дақиқа ўтганда, Москва — Петербург йўналиши бўйича қатновчи "Нева поезди" ҳалокатга учради. Оқибатда 60 киши жароҳатланди. Улардан уч нафарининг аҳволи оғир.

Поезднинг ҳалокати юзасидан "терроризм" моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди. Маълумотларга кўра, поезд қўлбола портловчи қурилма портлаши оқибатида рельсдан чиқиб кетган. Мазкур хунрезлик бирор бир гуруҳ томонидан ташкиллаштирилган бўлиши мумкин, дея хабар беради РИА "Новости".

## Энг кекса аёл вафот этди

Ер юзидаги энг кекса аёл, япониялик Йонэ Минагава 114 ёшида вафот этди, дея хабар беради "Франс пресс".



Аёлнинг қариндош-уруғлари сўзларига кўра, Йонэ Минагава ўлимигача ҳам ақлан, ҳам жисмонан тетик бўлган. У 1883 йилнинг 4 январида туғилган эди.

Йонэ олти ой аввал ер юзидаги энг кекса аёл сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилганди. Унинг вафотидан кейин энг кекса аёл мақоми АҚШнинг Индиана штатида истиқомат қилувчи 114 ёшли Эдна Паркерга насиб этди.

## Инқироз туфайли

Европа Марказий банки барча банкларга 94,8 миллиард евро (130,3 миллиард доллар) миқдорда кредит беришга киришди. Мутахассислар бундай катта ҳажмдаги маблағнинг ажратилишини рекорд кўрсаткич, дея баҳолашмоқда. Эслатиб ўтамиз, АҚШ молия муассасаларида рўй берган инқироз банклараро кредит олиш фоиз ставкасини ҳаддан зиёд ошириб юборди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

Бўлган воқеа

***Пойтахтимизнинг Кўкча даҳасидан таксига ўтирдим. Нархини келишиб олдик. Ҳайдовчи инсофлироқ экан, анча арзон айтди. Аслида кўпроқ пулни мўлжаллаб тургандим. Йўлда ҳайдовчи билан сўзлашиб кетдик.***

# ШУКРОНАЛИККА НЕ ЕТСИН

— Йўлингиз ўша томонгамиди? — сўрадим.

— Ҳа, йўқ. Сизга оғирлик қилмасин, узоқ йўл, қолган пулингизга сув ичарсиз, дуо қиларсиз, — жавоб қилди у кулимсираб. Сўнг сўзида давом этди.

— Тирикчиликнинг айби йўқ дейишади. Кечаси-ю кундузи йўлдаман. Шу бир-икки сўмга талашиб, бойиб қолармидим. Ундан кўра, баракасини берсин. Ёшлигимда ота-онамнинг насиҳатларини қулоққа илмай ўқигим келмаганди. Таниш-билишларим кўп, таги бақувват одамлар эди. Улар билан келишиб савдо-сотиқ қилардик. Яхши топардим. Кейин савдо ҳам ўлди. Бўлмайдиган нарса экан. Анча пулга тушиб қолдим. Қарзлардан-ку амаллаб қутулдим. Аммо шу ёшимда ким ҳам мени ишга оларди, дейсиз... Ҳартугул, пешонамда шу эски "Жигули" бор. Худо шундан қисмасин. Баъзи бировларга ўхшаб кўчада тиланчилик қилишдан асрасин, синглим, — деди у бошини сарак-сарак қилиб.

Ҳайдовчи бироз тин олди. Хаёлга чўмганини кўриб мен ҳам индамай кетаётувдим, яна ўзи гап бошлади.

— Ўтган куни масжид ёнидан бир йигит машинамга ўтирди. Ёши ўттизда ҳам эмас. Яқинроқ жойга элтиб қўйишни сўради. Кўринишидан тиланчига ўхшамасди. Аммо қўлида ҳасса.

— Ҳар куни шу ерда ўтириб, тиланчилик қиламан, — деди йигитча. — Бугун савдо яхши бўлмади-да, — хўрсинди у.

— Бир кунда қанча топасан? — сўрадим ундан.

— Камида анча-мунча мингталикдан топаман. Бугун кечроқ чиққандим, бозорим ўхшамади.

— Шу ёшда тиланчилик қилмай, ўқисанг, ишласанг бўлмайдими? Касал-пасал эмасмисан, ишқилиб? — ҳайрон бўлдим.

— Йўғ-э, амаки, нима девоссиз? Ҳамма ёғим соғ. «Просто» ўрганиб қолганман. Иссиқ кунда ҳансираб, давлатнинг пулига кўз тикиб ўтиргандан кўра, шу ердаги ишим яхши. Болачақамни ҳам боқаман. Уларни ҳам ишимга ўргатаман. Ҳозир бойваччалар кўп. Масжидга келиб, чин кўнгилдан эҳсон қиладиганлар анчагина. Худо йўлига десангиз, бўлди, атаганларини бериб кетишаверади. Мен ҳам дуо қилиб қоламан.

— Қандай дуо ўқийсан?

— Келиб туринг, бериб туринг, дейман-да, — хохолади йигит.

Ўша вақтда у менга шунчалик хунук кўриниб кетдики, нега машинамга чиқардим-а, деб ўзимни койидим. Манзилга етиб келиб нима деди денг.

— Агар шу ерда бўлсангиз, мени ҳар куни олиб кетсангиз яхши экан. Такси кутиб ўтирмасдим. Нархи ҳам бугунгидек бўлади-да, — деди ҳиринглаб.

Бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди. Биласизми, баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. Қани эди шартта машинани тўхтатиб тушириб юборсам. Юмшоқ кўнгилли одамларни алдаб, бир кўзини беркитиб олиб, қўлига ҳасса тутиб, садақа талаб қиладиганларнинг касри урмасин яна дедим. Ундайларга шерик бўлгим йўқ.

"Ипподром"га ҳам етиб келдик. Ҳайдовчи билан хайрлашиб, машинадан тушдим. Аммо бозор айланарканман, бояги воқеани ўйлай кетдим. Бу каби ҳолатларга кўп бора дуч келамиз. Бироқ ҳар доимгидек "оч қорним, тинч қулоғим" қабилида иш тутиб, индамай кетамиз. Ҳатто баъзан уларга раҳмимиз келиб, пул ҳам берамиз. Аллоҳ йўлига эҳсон деймизда. Бироқ шу жамиятда яшаб туриб, унга нафи тегмаган, ўзи фойда кўрса-да, ўзгаларга фойда кўрсатолмаган кимсаларни ким деб аташ мумкин? Ахир, эмин-эркин замонда, мустақил юртда яшаётганимизга шукр қилиб, давлатимизга фойдамиз тегса, одамлар касбимизни эшитганда фахр билан гапирсалар, шунисидан яхшиси бормикан. Оёқ-қўлимизнинг бутлиги, танимиз, фарзандларимиз соғлиги, хонадонларимизнинг ободлигига не етсин! Майли, балки камроқ пул топармиз. Аммо бирон-бир одамнинг ҳожатини чиқарсак, унга нафимиз тегса, дуо олсак, ҳаётнинг, яшашнинг мазмуни шу эмасми аслида?!

**Адибахон ҒАЙРАТ қизи.**



## ЧАҚАЛОҚ ДУНЁГА КЕЛДИ

*Юртимиз истиқлолга эришгач, соғлиқни сақлаш тизимида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Кўплаб поликлиникалар, касалхоналар, даволаш муассасалари ишга туширилди, мавжудлари қайта таъмирланди. Замонавий жиҳозлар билан таъминланди.*

*Шундай даво масканларидан бири — Бўстонлиқ туман марказий касалхонасида ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида кўплаб ишлар қилинмоқда. Айниқса, акушерлик бўлимининг фаолияти диққатга сазовор.*

*— Ҳар бир туғилган чақалоқни миллатимизнинг давомчиси деб биламиз. Ҳар бир аёлга оналик бахти насиб этсин, — дейди бўлим раҳбари, олий тоифали шифокор Муҳаббат Нуртаева.*

***Суратда: бўлим мудираси Муҳаббат Нуртаева ҳамшира Наргиза Нишонова билан янги туғилган чақалоқнинг камолини тилашмоқда.***

**Азамат АҲМАД олган сурат.**

Мусиқа асбоблари тарихидан

# ГАРМОН ЮРТИМИЗГА ҚАЧОН КЕЛГАН?

Гармон асбобининг биринчи ихтирочиси германиялик Фридрих Бушман ҳисобланади. Фридрихнинг отаси созанда ҳамда мусиқа асбоблари тузатадиган уста бўлган. Фридрих етти ёшидаёқ айрим мусиқа асбобларини чалишни билган, ўн бир ёшида эса отасига мусиқа асбобларини тузатишда ёрдам берган ва гастролларда ҳам бирга юрган.

1828 йилда у Берлинда яшаб чолғу асбобларини созлаш мақсадида кичик қутича ясайди ва унинг ичига нозик темир пластинка (тилча)ни ўрнатади. Қутичага пуфлаганида темир пластинка маълум бир баландликда товуш чиқарган. Шу товуш орқали орган асбобларини созлаган, лекин Фридрихга бу усул ёқмайди, чунки бир қўли доимо банд эди. Шунда унинг хаёлига бир фикр келади, яъни қутичага оғиз эмас, балки темирчилар фойдаланадиган меш орқали ҳаво пуфлашни ўйлаб кўради.

Ҳаётда шундай ҳам бўлади: биров ихтиро қилади, биров эса уни такомиллаштиради. Бушман ясаган бу ўйинчоқ мусиқа асбоби 1828 йилда веналик орган устаси Кирилл Демиан қўлига тушади. Демиан ўғиллари билан биргаликда бу ўйинчоқни такомиллаштириб, ҳақиқий мусиқа асбобига айлантиради. Лекин бу гармон асбобида оддий куйлар чалинган холос, чунки у атиги бешта клавишдан иборат эди.

Россияга гармон асбоби 1830 йилларда савдогарлар ёрдамида келтирилади. Шу йили ёзда тулалик қурол аслаҳа тузатувчи уста Иван Сизов Нижний Новгород ярмаркасида бўлади ва гармоннинг товушини эшитиб қолиб, уни харид қилади. Ажабланарли жойи шундаки, гармон Россияда мусиқа асбобсоз томонидан эмас, балки қурол аслаҳа тузатадиган усталар томонидан такомиллаштирилиб, ҳақиқий мусиқа асбобига айлантирилди. Шундай қилиб, Иван Сизов қайта ясаган, чалишга қулай, товуши ёқимли ва ҳар қандай мураккаб куйларни чалса бўладиган Тула гармони дунёга келади. Кейинчалик бу ерда фабрикалар очилиб, гармон асбобини оммавий ишлаб чиқаришга киришилади. Натижада, гармон Россиянинг барча шаҳарларига, шунингдек, Қозон, Озарбойжон ва бошқа жойларга тарқалади.

Гармон Хоразмга савдогарлар орқали XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида кириб келган. Уни бу ерда соз деб аташади, бунинг сабаби гармон доимо соз ҳолатда бўлган. Уни илк бора Хоразмда машҳур санъаткорлардан Қурбон ота Исмоилов (Қурбон созчи), Сафо Муғанний (Сафо созчи) ва Мадраҳим Шерозийлар савдогарлардан харид қилиб олиб, ўргана бошлайдилар.

Хоразмда гармон асбоби кейинчалик халфалар орасида кенг тарқалади. Соз халфаларнинг жозибадор, оҳанрабо қўшиқларига, ўйноқи лапарларига жўровоз сифатида шундай мослашадики, худди бу асбоб халфалар учун яратилган деб ўйлаш мумкин. Созни Онажон Собир қизи (Анаш халфа), Онабиби Отажон қизи (Анабиби қори Ожиза), Сорихон халфа, Пошшохон халфа ва Назира Собировалар чала бошлаганлар. Бора-бора халфалар ичида соз чалиб, ашула айтадиганлар кўпчиликни ташкил қилган.

1939 йилда Хивада гармончи қизлар ансамбли тузилади, унга Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова Тошкентдан келиб раҳбарлик қилади. Унга Онажон Собир қизи (Анаш халфа) ва Мадраҳим Шерозийлар ҳамсозлик қиладилар. Сал ўтмай гармончи қизлар ансамбли халқ орасида машҳур бўлади ва шу йили Тошкентга гастрол сафарига жўнайдилар. Улар пойтахтнинг турли бурчакларида ўзларининг жозибадор санъатини намойиш қилиб, жуда кўп мухлислар орттириб, муваффақиятлар билан Хивага қайтиб келадилар.

Бундан роппа-роса 50 йил кейин ҳам Гавҳархоним Хивага келиб, гармончи қизлар ансамбли тузишда ташаббус кўрсатади. Унинг шарофати, шунингдек, Хива шаҳар маданият бошқармаси бошлиғи Озод Зариповлар ташкилотчилигида Боку шаҳридан гармонлар келтирилиб, Хива шаҳар санъат мактаби қошида яна қайтадан гармончи қизлар ансамбли ташкил қилинади. Ансамблга талантли созанда Равшан Юнусов раҳбарлик қилади. Улар республикамизнинг барча вилоятларида бўлиб, ўзининг ранг-баранг дастурлари билан томошабинларни хушнуд этишади.

**Зокиржон МАДРАҲИМОВ,**
**Урганч давлат университети мусиқа кафедраси катта ўқитувчиси.**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши 15 дона банер тайёрлаш ва 1 дона видеокамера сотиб олиш учун
**тендер эълон қилади.**
Мурожаат учун телефонлар: 144–81–28, 144–83–05.

*«Миллий тикланиш» газетасига реклама ва эълонлар қабул қилинади.*
*Матбуотчилар кўчаси 32-уй. 501, 502-хоналар.*
*Телефонлар: 136-58-73, 133-67-51.*

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

Миллий тикланиш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51. Бўлимлар — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 723.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2100
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6
Босишга топширилди 22.40